O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013 yil 4 oktabr • №40 (4231)

УСТЮРТ ГУРУНГЛАРИ

Ҳали саратон офтобининг шашти қайтмаган. Устюрт шамоли қовжироқ гиёҳлар ҳидини димоққа уради. Қулочининг қамрови ўн қаватли уй баробар келадиган улкан кўтарма краннинг гуриллаши асрий дашт сукунатини бузиб, буюк қурилиш маҳобатидан акс-садо беради.

Тушликдан сўнг яна мажмуа барпо этилаётган майдонга қайтдик. Негаки, иншоот қурилишига доир барча жараёнларни тасаввурга сиғдириш учун бу ерга бирров келиб, ташқаридан назар ташлаб ўтишнинг ўзи камлик қиларкан. Бунинг учун ўз илми ва малакасига кўра шу қурилишга дахлдор бўлган, уни бевосита бунёд этаётган мутахассислар билан иш устида имкон қадар кўпроқ мулоқот қилишимизга тўғри келди.

Мураккаб муҳандислик қурилмаларини елкасига оладиган бўлажак ин-

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

шоотнинг пойдеворини бамисоли космодромнинг старт майдонига менгзаш мумкин. Ундан "ўсиб чиққан" телеминора оёғидек бақувват устунлар синчига бетондан "чопон" кийдираётган қурувчилар кўтарма кран хартумидаги конструкцияларни эҳтиёткорлик билан туширib олишмоқда. Бу конструкциялар лойиҳада кўрсатилган жойга юқори аниқлик билан монтаж қилинаётир. Ўз ишига моҳир қурувчию мутахассислар ишини кузатарканмиз, бизга ҳамроҳлик қилаётган Мирас Матмуротовни суҳбатга тортамиз.

— Бу мажмуа Сургил конлари газидан жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотлар олишга мўлжалланган. Лойиҳанинг технологик жиҳатларини соддароқ тушунтириб беролмайсизми, — деб сўраймиз ундан.

— Бу лойиҳа нефт-кимё соҳасининг ишлаб чиқариш ва хомашё базасини янада кенгайтиришни кўзда тутади, — дейди Мирас. — Шу мақсадда табиий газни чуқур қайта ишлаш ва унинг таркибидаги қимматбаҳо моддаларни ажратиб олиш йўли билан полимер маҳсулотлар тайёрлаймиз. Сургил конлари табиий гази таркибида, айтайлик, Кўкдумалоқ конлари ёнилғисида бўлганидек олтингугурт учрамайди. Бироқ унинг таркиби бошқа қимматли компонентларга бой. Масалан, унда этан 4,8 фоизни ташкил этади. Ундан 150 хил юқори, ўрта ва қуйи босимга чидамли полимер маҳсулотлар тайёрланади. Этан миқдори юқори бўлган табиий газ таркибидаги зарур компонентлар ажратиб олингандан сўнг қолган тоза газнинг ўзи газ-транспорт тизимлари орқали исталган жойга етказиб берилиши мумкин. Ёнилғи таркибидаги бу маҳсулотларни ажратиб олмасдан газўчоқда олов ҳосил қилиш учунгина фойдаланиш катта исрофгарчилик бўлар эди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Наманган санъат коллежида 550 дан зиёд ўғил-қиз санъатнинг 9 йўналиши ва 17 мутахассислик бўйича сабоқ олмоқда. Замонавий жиҳозланган таълим масканида ёшлар учун барча шароитлар яратилган. 200 ўринли ўқувчилар турар жойи, концерт заллари, шинам ошхона улар ихтиёрида. Малакали мураббийлар ёрдамида ўқувчилар санъат сирларини пухта эгаллаб, турли кўрик-танловларда ўз истеъдодларини намойиш этмоқда.

Суратда: фортепиано бўлими ўқувчиси Моҳинур Мирзаева. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

ИСТЕЪДОДГА ЭЪТИБОР

Ёзувчилар уюшмасида

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳар томонлама катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Ёзувчилар уюшмаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Истеъдод мактаби" республика анжумани юртимизнинг турли вилоятларида яшаб ижод қилаётган истеъдод соҳибларини топиш, уларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш, янги ижодий изланишлар сари илҳомлантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, уюшмада мунтазам равишда ташкил этиб келинаётган тўгарак машғулотлари, адабий учрашувлар, китоб тақдимотлари, "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасидаги тадбирлар ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашда ўзига хос омил бўлмоқда. Ана шу ёшлар орасидан Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, "Келажак овози" ва бошқа нуфузли танловлар ғолиблари етишиб чиқаётганлиги ушбу тадбирларнинг самарали бўлаётганидан дарак беради. Яқинда "Истеъдод мактаби" семинари иштирокчиларидан икки нафари Президент стипендиати деган юксак номга сазовор бўлганлиги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Ёзувчилар уюшмасида бу йилги "Биринчи китобим" танловига келиб тушган ижодий ишларнинг таҳлилига бағишланган йиғилишда ана шу кенг қамровли тадбирларнинг янада самарадорлигини таъминлаш, ёш ижодкорларнинг адабиётга, ижодга қизиқишини, масъулиятини ошириш ҳақида фикрлар билдирилди. Йиғилишда уюшма ижодий кенгашларининг аъзолари, адабий нашрлар вакиллари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, мунаққидлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али "Биринчи китобим" танловига келган қўлёзмаларни таҳлил этар экан, бугунги кунда ёшлар ижодида кўзга ташланаётган эътиборли жиҳатлар, айрим нуқсонлар ҳақида гапирди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ёш ижодкорлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Китоб дунёси", "Шарқ юлдузи", "Ёшлик" каби марказий адабий нашрларда ёшлар ижодига алоҳида ўрин ажратиляпти. Пойтахтда ва вилоятларда турли алманахлар ҳамда тўпламлар чоп этиб келинмоқда. "Биринчи китобим" лойиҳаси асосида ҳар йили ўндан ортиқ ёш қаламкашларнинг илк ижод намуналари Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" фонди ҳомийлигида китоб ҳолида нашр эттирилиб, республикамиздаги таълим муассасаларига бепул тарқатилмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

ХАТОНИ ТУЗАТИШ МУМКИН!

Ҳурматли таҳририят! Мен туман газетасида ишлайман. Яқинда муаллифларимизнинг бири билан орамизда бироз кўнгилсизлик бўлиб ўтди. Шу ҳақда фикр юритиб, ҳанузгача ҳал бўлмай келаётган бир масалада сизлардан маслаҳат сўрамоқчиман. Ўша муаллиф таҳририятга келиб даъвога қила кетди.

Хат ва шарҳ

Важоҳатидан, бутун йўлакни тутган баланд овозидан кимнингдир "бурнини ишқаламоқчи" бўлган муаллифни дарров танидик. Маълум бўлишича, газетамизда эълон қилинган мақоласида унинг фамилияси бош ҳарфи (ва яна иккинчи ҳарф ҳам) нотўғри ёзилган экан. Яъни Газиев ўрнига Ғозиев деб ёзилган. Муаллиф эса паспортида шундай битилганини пеш қилиб, нега "Г" ўрнига "F" ёздинглар, деб туриб олди. Ҳар қанча уринмайлик, унга ҳеч нарсани тушунтириб бўлмади. Фамилиясидаги бош ҳарф ўзбек тили имло қоидасига зид ёзилгани сабаб муҳаррир хоҳиши билан ўзгартирилган эди.

Яқинда бир тадбирда иштирок этдим. Сўзга чиқиши керак бўлган ташкилот раҳбарининг исм-фамилиясини эълон қилгунча бошловчининг бўлари бўлди. Негаки, рўйхатда унинг исм-шарифи ҳам бир вақтлар ўзбекча атамаларни русча талаффузда бузиб, нотўғри ёзиш урф бўлган йиллардан хотиралигича қолган экан. Ҳолбуки, эндиликда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунининг 12-моддасига биноан шахсга тааллуқли ҳужжатлардаги исм ва фамилияларда мавжуд бўлган бундай хато ёзувларни ўзгартириб тўғри ёздириш имкони бор. Қонуннинг мазкур моддасида: "Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар ҳамда турли шаҳодатномалар республика давлат тилида ёзилади. Миллатлараро муомала тилида таржимаси такрорланади", деб ёзиб қўйилгани аввалги хаталарни тўғрилаш учун ҳам муҳим дастуриламалдир.

Шундай экан, нега айрим юртдошларимиз бу имкониятдан ҳанузгача фойдаланмасдан, хатоликнинг фарзандлар ва набиралар, ҳатто бутун бир келгуси авлодларнинг ҳужжатларига ҳам ўтиб қолишига эътиборсиз қарайдилар? Ёки бу масаланинг биз билмаган бирор мушкул жиҳатлари ҳам борми? Шу ҳақда газета саҳифалари орқали мутахассислар шарҳини уюштиришингизни илтимос қиламан.

Зилола ТОШЕВА,
"Галаосиё овози" газетаси мухбири

Давоми иккинчи саҳифада.

САНЪАТ ДУРДОНАЛАРИ

Кўргазма заллари

Пойтахтимиздаги халқаро Маданият карвонсаройида "Ўзбек амалий санъати дурдоналари" деб номланган кўргазма очилди. Унда усталарнинг ёғоч ўймакорлигида ишланган элликдан ортиқ турли-туман буюмлари, сирланган сопол идишлар, ойнали безаклар, ганчдан ишланган деворий безаклар, тун чироқлар учун махсус қопламалар ҳамда ганчкорликка доир фотосуратлар намойиш этилмоқда.

Ҳасан Одиловнинг ёғочдан ишланган шахмат столи, Сирожиддин Раҳматуллаевнинг курси ва столлари, Элмурод Қосимовнинг турли шаклдаги қутилари, Абдураҳим Ғафуровнинг сопол идишларида миллий анъаналарнинг давомийлиги яққол кўзга ташланади. Айниқса, Аъзамхўжа Асқаровнинг ойнага ишланган "Тамға" асари кўпчиликка манзур бўлди. Кўргазма доирасида давра суҳбати ҳам ташкил этилди. Унда кўзга кўринган моҳир усталар ўзбек амалий санъатининг тарихи ва бугунги ютуқлари ҳақида батафсил сўзлаб беришди.

Ситорабону ТОЛИБЖОНОВА



СУЛОЛА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон халқ рассоми, уста кулол Муҳиддин Раҳимов яратган амалий санъат дурдоналари бугунги кунда жаҳоннинг етакчи музейларида сақланмоқда. Шунингдек, у Ўрта Осиё санъати тарихи тадқиқотчиси ҳамда анъанавий нақш реставратори сифатида ҳам катта ишларни амалга оширган.

Ҳозир устознинг ўғли Акбар Раҳимов ва невараси Алишер унинг ишини муносиб давом эттиришмоқда. Сулоланинг бешинчи вакили бўлган А.Раҳимов отасининг тадқиқотларини давом эттирар экан, ишқор билан маҳсулотларни безаш технологиясини ўзлаштирди. Муҳиддин Раҳимовнинг уй-музейини яратди. Рассом-кулолнинг асарлари Ўзбекистон, Россия ва Германиядаги етакчи музейларда, қатор халқаро кўргазмаларда намойиш этилган. Ўғли Алишер ҳам болалигидан кулолчилик сирларини ўргана бошлади. У Тошкентда қадимда машҳур бўлган, бугунга келиб унутилган «қошғарий» услубини қайта тиклашга эришди. Унинг асарлари Франция, Германия ва Японияда ўтказилган турли кўргазмаларда муваффақият қозониб келмоқда.

Куни-кеча пойтахтимиздаги Миллий санъат маркази зида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси «IJOD» рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида Муҳиддин Раҳимов таваллудининг 110 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Кеча иштирокчилари уста кулол яратган дурдоналар ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Шунингдек, тадбир доирасида очилган кўргазмада Раҳимовлар сулоласига тегишли ноёб экспонатлар намойиш этилди.

Комила БОЙМУРОДОВА

Азиз газетхон!

Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2014 йил учун обуна бошланди. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

УСТЮРТ ГУРУНГЛАРИ

Учинчи мақола

Бошланиши биринчи саҳифада.

Суҳбатдошим фикридан аён бўляптики, Сургил газидан фақат ёнилғи сифатида фойдаланиш истиқлолдан аввал пахта толаси фақат хомашё сифатида сотиб юборилгани каби манзара ҳосил қиларкан. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболини теран тасаввур этган Юртбошимиз 2006 йилнинг март ойида Корея Республикасига қилган навбатдаги ташрифи чоғида Сургил конини комплекс ўзлаштиришни таклиф этди ва бу таклиф катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Шу хусусда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва Корея Газ Корпорацияси (KOGAS) ўртасида муайян ҳужжатлар имзоланди. 2008 йилнинг 18 февралида эса Сургил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш ва кон ҳудудини жиҳозлаш, ободонлаштириш юзасидан Президент Қарори эълон қилинди. Шундан буён Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорлик тимсолига айланган мазкур лойиҳани рўёбга чиқариш юзасидан қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Ва биз бугун ана шу жараённинг бевосита гувоҳи бўлиб турибмиз. Ижодий сафаримиз чоғи иншоотнинг кун сайин тўлишаётган манзаралари билан танишмоқдамиз.

Сургил кони бу ердан анча олисда жойлашган. У энди-энди очила бошлаган кезларда Мўйноқ ва Учсой қўрғонлари орқали унинг ҳудудига борганимиз, "Сургил-22" деб номланган бурғиловчилар қароргоҳида фарғоналик контопарлар билан қилган суҳбатларимиз беихтиёр ёдга тушаётир. Дарвоқе, ўша гурунглар ҳам бу конларнинг келажаги, тараққиётнинг жаҳон эътироф этаётган ўзбек модели кўп ўтмай Устюрт манзараларини тамоман ўзгартириб юбориши ҳақида кечган эди. Таниқли қорақалпоқ адибларидан бири "Ер устидаги денгизимиз қуриган бўлса-да, Аллоҳ ер остидан ундан-да катта денгизни берди. Бу олов денгизи халқимизнинг ризқ-насибаси", дея қувонгани ҳам кечагидек эсимизда. Ўшанда биз Орол денгизининг сув қочган ҳудудларидаги бу жойлар нега Сургил деб аталиши билан ҳам қизиққандик. Маълум бўлишича, денгизга Амударёдан сув бормай қўйгач, унинг сатҳи тобора кичрайиб шунга монанд ҳолда сув таркибидаги туз миқдори ҳам ошиб, балиқлар яшай олмайдиган ҳолга келган ва маҳаллий балиқчилар армон билан ўзларининг собиқ денгизини Шўркўл деб атай бошлаган эканлар. "Шўркўл" қорақалпоқча талаффузда Сургил деб айтилганидан бу ердан углеводород ёнилғиси қидирувчилар ҳудудни хариталарда Сургил деб атай бошлаганлар. Эндиликда Шўркўл тобора йироқлаб кетган. Бироқ унинг ўрнидаги "олов денгизи" боис Сургил деган номнинг халқаро нуфузи тобора ошиб бормоқда.

— Бу ҳудуддан топилган газ-конденсат конлари кўп қатламли бўлиб, таркиби ниҳоятда маҳсулдор, — дейди Қаҳрамон Сафарниёзов. — Уни чуқур қайта ишлаш йўли билан бир йўла иккита муҳим жараён ҳал этилади: ҳам юқори зичликка эга полиэтилен ҳамда полипропилен, бензин каби нефткимё маҳсулотлари, ҳам жаҳон стандартларига мувофиқ юқори сифатли газ, шунингдек, жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Шу мақсадда Оқчалоқда газ-кимё мажмуаси, унинг ишчилар шаҳарчаси ва бошқа ёрдамчи иншоотлар қад кўтараётган бўлса, Сургилда эса углеводород хомашёсини конлардан йиғиш ва узатиш иншооти, газни қайта тайёрлаш қурилмасини кенгайтириш, бу қурилмадан газ-кимё мажмуасининг технологик майдонига қадар 112 километрлик газ ва конденсат қувурлари, шунингдек, Сургил кони ишчилар шаҳарчаси, меҳмонхона, ётоқхоналар, контейнер типидаги модул уйлар барпо этилмоқда. Сургилдаги ушбу инфратузилма тармоқлари "Жанубгазқурилиш" трести томонидан барпо этилаётган экан. Биноларни шу йил ноябр ойида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Умумий қиймати 4 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган Марказий Осиёдаги бундай энг йирик газ-кимё мажмуасининг барпо этилиши, шу ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини хориж матбуоти мамлакатимизда чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар учун ҳукумат томонидан яратиб берилаётган қулай шарт-шароит самараси сифатида баҳоламоқда.

— Ўзбекистонда 2012 йилда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада яхшилашга йўналтирилган бир қатор қўшимча муҳим қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормалар қабул қилинди, — деди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил январ ойида бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида. — Биз мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўлида зарур бўлган барча ишлаб чиқариш инфратузилмаларини давлат маблағлари ҳисобидан таъминлаш принципини нафақат қабул қилдик, балки уни амалда жорий этмоқдамиз. Биз қиймати 50 миллион доллардан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши 50 фоиз бўлган аниқ лойиҳаларнинг ўз муддатида амалга оширилишини таъминлайдиган инфратузилмани лойиҳа ҳужжатлари асосида ўз вақтида қуриш мажбуриятини зиммамизга олганмиз. Сургил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа бунинг яққол далилидир. Бу ерда умумий қиймати 212 миллион долларни ташкил этадиган ташқи муҳандислик инфратузилмасини барпо этишни давлат ўз зиммасига олган.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан бу борада қабул қилинган муҳим қонун ҳужжатлари лойиҳанинг жаҳон қўламидаги нуфузини ошириб юборди. Жаҳондаги етакчи "Reuter Thompson" агентлигининг "Project Finance International" халқаро нашри Сургил кони негизида барпо этилаётган газ-кимё мажмуасининг лойиҳавий-молиялаш битимини нефт-кимё ва газ-кимё секторидаги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси сифатида эътироф этди. Россиядаги ахборот агентликлари эса бу лойиҳага "Нега Осиё газ бозорида россияликлар етакчиликни бой бермоқда?" тарзида муносабат билдириб, "Агар Россия компаниялари ўзаро манфаатли контрактларни таклиф этишолмаса, улар бу билан мазкур бозордан маҳрум бўлиб, бутун минтақадаги етакчилигини бой бериб қўядилар", дея шарҳлашди...

* * *

Мажмуа қурилиши билан танишар эканмиз, истиқлол йилларида ўқиб, ноёб муҳандислик касбларини эгаллаган ва ана шу бунёдкорлик жараёнида бевосита иштирок этаётган Мирас Матмуротов, Султон Аннақиличев, Қаҳрамон Сафарниёзов эътиборимизни бўлажак цехларнинг ўзига хос жиҳатларига тобора кўпроқ тортишарди. Биз турган мана шу жойда GS компанияси газдан полиэтилен ажратиб олиш цехини барпо этаётган бўлса, ҳув олисда кўзга элас-элас ташланаётган шарқ тарафдаги миноралар Samsung компаниясига тегишли. У жойда компания мутахассислари полипропилен цехини барпо этишаётир, Hiuhday компанияси вакиллари эса бизнинг ғарб томонимизда мажмуани буғ, газ ва сув билан таъминлаш тизимларини қуришмоқда. Мазкур жараёнларни ипидан-игнасигача лойиҳага солиштириб, назорат қилаётган бу йигитларнинг ғайрат-шижоатига тасанно дейсиз. Уларнинг юз-кўзларида акс этаётган ғурур ва ифтихорни кўриб, бу йигитлар Юртбошимиз "Мен ана шу ёшларга ишонаман ва таянаман", деб айтган фарзандларнинг айнан ўзи эканликларини ҳис этасиз. Мамлакатимиз тараққиётини жадаллатадиган, элнинг юкини елкасига оладиган ёшлар малакали муҳандислик касбларини эгаллаган мана шу йигитлар ва уларнинг юзлаб, минглаб тенгдошлари эканликларини англаш қалбингизни ёруғ нурларга чўлғайди.

Суҳбатдошларимиз мажмуани Қўнғирот — Бейнов трассаси билан боғлайдиган умумий киймати 6 млрд. сўмлик атомобил йўли қурилишини ҳам кўрсатишди. Бу ишга "Жанубгазқурилиш"нинг ўнга яқин йўлсозлик техникалари жалб этилиб, ҳозиргача 4,4 километр масофада тупроқ ишлари бажарилибди. Йўлнинг асоси учун 127 вагон қумшағал ташиб келиниб, унинг ўзанига ётқизилмоқда. Бунёдкорлар мажмуа ҳудудини "Қирққиз" бекати билан боғлайдиган темир йўл тармоғини ҳам жадаллик билан барпо этишаётир. Бу жойда "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси йўл хўжалиги бошқармаси томонидан 5 млрд. сўмлик иш бажарилиб, 6,2 километр масофага рельс ётқизилибди. Айни чоғда мажмуадан "Оқчалоқ" компрессор станциясига қадар тайёр товар газ қувури, қаттиқ ва маиший чиқиндилар полигони, мажмуанинг ташқи техник сув таъминоти, Қўнғирот — Элобод — Оқчалоқ сув қувури, мажмуа учун сунъий заҳира сув ҳавзаси каби муҳим иншоотлар ҳам тезкорлик билан қурилмоқда экан.

* * *

Бепоён Устюрт кенгликлари узра оқшом қўниб, иншоот бўйлаб ўткир прожекторлар нур тарата бошлади. Мажмуани яна бир кунлик баракали меҳнати билан кўкка бўй чўздирган қурувчи ва мутахассислар қурилиш майдонидан гурас-гурас бўлиб чиқиб кела бошлашди. Улар иншоот қароргоҳи жойлашган тошлавҳа олдида саф тортган автобусларга бирин-кетин жойлашаётганларида биз ҳам бугун танишган ёш дўстларимиз — келажагимиз бунёдкорлари билан хайрлашдик. Уларнинг эл-юрт равнақи йўлидаги ишларига, шахсий ҳаётларига омадлар тиладик.

* * *

Эрталаб мажмуага бораётиб қайтишимизда Элободда бир фурсат тўхтаб Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртқи бўлими билан танишмоқни ихтиёр қилгандик. Мазкур бўлим Президентимизнинг "Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида"ги Қарори асосида очилган. 2007 йили ўз фаолиятини бошлаб, дастлабки талабаларни бағрига олган бўлим илғор замонавий технологияларни қўллай оладиган юқори малакали техник кадрлар ва муҳандисларни шу жойнинг ўзида, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тайёрлайди. Бунинг учун сода заводи қошида муҳташам ўқув биноси ва корхона цехларида муайян шароитлар яратилган. Ана шу шароитлар билан танишаётганимизда бўлим раҳбари, техника фанлари номзоди Тўлқин Низомов зарур юмушлар билан пойтахтга хизмат сафарига кетганини эшитдик-да, телефон орқали бўлса ҳам, у киши билан боғландик. Телефондаги суҳбатимиз гарчи қисқароқ кечган эса-да, мазкур олий ўқув юрти фаолиятига доир муҳим маълумотларни билиб олдик. Бўлим ташкил топганидан то ҳозирга қадар 450 нафардан ортиқ юқори малакали мутахассислар тайёрлаб чиқарибди. Уларнинг аксарияти сода заводининг муҳандислик қурилмаларини бошқариш жараёнларида фаолият олиб боришаётган экан. Эндиликда Устюрт газ-кимё мажмуаси учун мутахассислар тайёрлаш ҳам шу бўлим зиммасига тушибди. Шу мақсадда 2012 йили Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртқи бўлими янада кенгайтирилиб, бу даргоҳда кундузги бўлим фаолият бошлабди. Устюрт газ-кимё мажмуаси учун ўтган йили юз нафар ва бу йил ҳам яна юз нафар талаба кундузги ўқишга қабул қилинибди. Улар юқори молекулали бирикмаларни ишлаб чиқариш технологияси бўйича муҳандис ва технолог мутахассисликларини эгаллаб, мажмуа цехларида фаолият олиб боришади.

Каустик сода, калцийланган сода, озиқ-овқат содаси ва шу турдаги бошқа жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган Қўнғирот сода заводи Устюрт-даги дастлабки йирик корхона бўлса, юксак сифатли полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилаётган газ-кимё мажмуаси бу ҳудуддаги иккинчи шундай йирик саноат гигантидир. Биргина калцийланган сода воситасида шиша, шиша идишлар, деразабоп турли ойналар, совун, ювиш ва тозалаш маҳсулотлари, қоғоз-картон яна ўнлаб "бозори чаққон" буюмлар ишлаб чиқарилади. Бундай замонавий корхоналарни қуриш ўз келажагига ишонган, миллий тараққиётда юксак манзиллари кўзлаётган қудратли давлатларнинггина қўлидан келиши мумкин. Шуларни ўйларканман, таниқли адибимиз Муҳаммад Алининг "Замондошим портретига чизгилар" очерклар китобидаги Қўнғирот сода заводига доир ушбу сатрлар беихтиёр хаёлимдан ўтди:

"Бир вақтлар чет эллик мутахассислар шунақа чўл жойда ҳам завод қурса бўлар эканми, деб ҳайрон қолишиб турган вақтда Юртбошимиз қатъият билан: "Мана шу жойда завод қурамиз! Завод қургандаям, маҳсулоти бутун дунёга чиқадиган корхона тиклаймиз!" дея ташаббус бошлади. Очиғи, кўпчилик бунга ишонмади ўшанда. Аммо, узоқни ойдин-равшан кўриб, келажакни яққол тасаввур қила олган доно раҳбар бу гал ҳам мўлжални тўғри олганини бутун дунё кўриб турибди".

Вақтдан ўзиб, бу ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг самарасини хаёл кўзгусида жонлантирган ҳолда айтиш мумкинки, яна уч йилдан сўнг Устюрт газ-кимё мажмуаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлару бу улкан саноат иншоотида фаолият олиб бораётган, унинг мураккаб муҳандислик қурилмаларини бошқараётган, Нукус, Элобод ва Қўнғиротдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олиб, юксак малакали муҳандис бўлиб етишган истиқлол фарзандлари ҳақида ҳам ифтихорга йўғрилган шундай сўзлар айтилиши муқаррар!

* * *

Устюрт бағрини қиличдай кесиб ўтган Европа ва Осиёни боғловчи янги автомагистрал бўйлаб Хўжайлига яқинлашганимизда "Кўҳна Урганч — 12 километр" деган йўл белгисига кўзимиз тушди. Минг йил аввал мана шу шаҳарда Маъмун академияси фаолият олиб борган. Ўз давридан неча юз йиллар, асрлар ўзиб ноёб кашфиётларни амалга оширган, Ер қаърию осмон жисмларини ўрганиб инсоният тамаддунига буюк ҳисса қўшган алломаларга Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино каби буюк аждодларимиз раҳбарлик қилишган. Ўзларининг тафаккур қудрати, "ақл машъали" билан уммон ортидаги қитъаларни "ёритган", кашф этган буюк боболаримиз бизнинг истиқлол замонидаги бугунги дориломон кунларимизни ҳам кўра олган, ундан фахр этган бўлса, не ажаб! Кўнглимиздан кечаётган ифтихор туйғуларини атоқли шоиримиз сатрлари билан ифода этадиган бўлсак:

Довотим қуримабди, мудом фахрия битай,
Энг улуғ аждодлардан хаёлимга ёғсин нур.
Шундай зотларни берган халқимга таъзим этай,
Ғуруримга ғурурдош давронимга ташаккур!

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Тошкент — Нукус — Устюрт.

Сургил кони.



Мажмуа қурилишида.

ИСТЕЪДОДГА ЭЪТИБОР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бундан кўзланган мақсад адабиётимизнинг келажаги бўлган истеъдодли ёшларнинг ижодини кенг тарғиб қилиш, уларнинг шаҳар ва қишлоқлардаги тенгдошларини ҳам эзгу ташаббусларга чорлаш, ёшларда адабиётга, китобга меҳр уйғотишдан иборат. Бу йил ушбу танловга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан юздан ортиқ ёшлар ўз ижод намуналарини тақдим этган бўлиб, улар ҳар хил жанр ҳамда турлича мавзуларда ёзилган. Лекин уларнинг кўпчилиги ҳали нашр этиш даражасида эмаслиги таъкидланди. Истеъдодли ёшларнинг борлиги қувонарли, бироқ улар тажрибали устозлардан сабоқ олишдан эринмасликлари, истеъдодларини чархлаши, ҳар бир мисра устида жиддий бош қотиришлари зарур. Зеро, чинакам истеъдод эгаси тинимсиз меҳнат қилиб, ўқиб-ўргансагина ижодкор деган номга сазовор бўлиши мумкин. Кўпгина қаламкашларнинг китобхонлик даражаси, сўз бойлиги талабга жавоб бермаслиги кўзга ташланиб қолмоқда. Ҳолбуки, ҳатто энг буюк ёзувчилар ҳам ҳаётларининг сўнгги дақиқаларига қадар мутолаани сусайтирмаганлар.

Баъзи ёшларнинг танловга тақдим этган шеърларида ноўрин ташбеҳлар, ясама тушкунликлар, зўрма-зўраки эҳтиросларнинг ишлатилган. Бундай ғализликлар, албатта, шеърни рангсизлантириш билан бирга ижодкорга бўлган ишончни ҳам пасайтиради. Ҳаммадан ёппасига китобхонликни талаб қилиш мушкулдир, аммо ижодга ҳавас қўйган киши, энг аввало, мутолаа маданиятини ўрганиши, кўпдан-кўп сара шеър ва ҳикояларни, достону романларни ўқиб, ўқиб олиши керак.

Йиғилишда Маҳмуд Тоир, Улуғбек Ҳамдам, Аҳмаджон Мелибоев ва бошқалар ёш ижодкорлар билан ишлаш юзасидан ижодий кенгашларда олиб борилаётган тадбирлар, дуч келинаётган муаммолар ҳақида гапириб, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. "Биринчи китобим" лойиҳаси асосида нашр этишга лойиқ қўлёзмалар сараланди.

Ахборот хизмати.

ХАТОНИ ТУЗАТИШ МУМКИН!

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ҳақиқатан ҳам газетхон мактубида кўпчиликни ўйлантираётган жиддий масала тилга олинган. Унга ойдинлик киритиш мақсадида мутахассисга мурожаат қилдик.

Гуландом МЎМИНОВА, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) идораси Ҳамза тумани бўлими биринчи тоифали инспектори:

— Маълумки, фарзандларга исм қўйишнинг ҳам ўз маданияти бор. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) идораси одатда ота-онанинг таклифига кўра, исм-фамилия ёзади. Кейинчалик туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадаги ёзувлар фуқаролик паспорти учун асос бўлади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимча киритиш етарли асослар мавжуд бўлганда ва манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганда шахснинг ёзма аризасига биноан амалга оширилади. "Давлат тили ҳақида"ги қонунда ҳам исм-фамилияларнинг ўзбек тилида ёзилиши кўрсатиб ўтилган. Биз фарзандига гувоҳнома олишга келган ота-оналар билан бевосита мулоқот қилиш жараёнида ўз таклифларимизни айтамиз. Отабобоси исмларида аниқланган имловий хатоликларни тузатиши мумкинлигини алоҳида уқтирамиз. Исм ёки фамилиясини ўзгартириш масаласида фарзанд вояга етгунга қадар отаонаси, вояга етгандан сўнг эса ўзи ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Айни пайтда паспорт тизимидаги ўзгаришлар бу муаммоли вазиятни ечиш учун муайян енгилликлар яратди. Биргина 2013 йил ҳисобида рўйхатга олинган гувоҳномаларнинг 40-50 фоизида юқоридаги каби камчиликлар мавжуд.

Уларни ўзгартириш ёки тузатиш масаласига келсак, ҳар бир шахс исмидаги чалкашликни тузатиш ҳақида ФҲДЁ идорасига ариза билан мурожаат қилиши керак. Давлат божи тўланганда сўнг, ариза берган шахснинг талаби 15 кун ичида қондирилади. Исмларни ўзгартириш фақатгина нотариал масалаларда муаммо келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам биз шахснинг исми ёки фамилияси ўзгартирилгани ҳақидаги далолатномани тақдим этамиз. Тўғри, бу ишлар кишидан маълум маънода вақт талаб этади. Бироқ бу ўзбек тилидаги исм-шарифларни миллий менталитетимизга хос ва нуқсонлардан холи тарзда ёзишнинг нечоғли муҳимлиги олдида айтарли қийин иш эмас.

* * *

Исм ва фамилиялардаги ҳар хиллик нотариал масалаларда қандай муаммо туғдиради ва у қандай ҳал этилади?

Бу масалага ойдинлик киритиш учун Тошкент шаҳар Олмазор тумани давлат нотариал идорасига мурожаат қилдик.

Азиза ҚУВОНДИҚОВА, Тошкент шаҳар Олмазор тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси: —Дейлик, Тўхтасин Джамирзаев вояга етмаган фарзанди — Темур Джамирзаевнинг фамилиясини ўзбек тили имло қоидаларига мувофиқ ўз аризасига биноан Жомирзаев деб ўзгартирган. Ҳақиқатан ҳам фарзанди вояга етиб, мабодо келгусида мерос масаласи ҳал этиладиган бўлса, у пайтда арзимас муаммо келиб чиқиши мумкин. Нега бу муаммони арзимас деяпмиз. Сабаби, нотариал тасдиқдан ўтган гувоҳномада фамилия ёки исм дастлабки кўринишда бўлади. Бундай ҳолатда биз ФҲДЁ идораси томонидан берилган — исм ёки фамилияси айрим ҳарфлар ўзгартирилгани ҳақидаги далолатномани инобатга оламиз. Унда фуқаронинг аризаси, фамилия ёки исм ўзгартирилганлиги тўғрисидаги далолатноманинг нусхаси қайд этилган бўлиши лозим.

Яқинда шунга ўхшаш бир воқеа содир бўлди. Садикова фамилияли фуқаро ўз аризасига мувофиқ уни Содиқова деб ўзгартирган. Шу боис шахсий мулкини сотиш жараёнида муаммо келиб чиқди. Юқорида айтганимдек, ФҲДЁ идораси берган далолатнома нусхаси масалани ҳал этиш учун зарур ечим бўлиб хизмат қилди. Эски алифбодаги айрим ҳарфлар лотин ёзувидаги ўзбек алифбосида мавжуд бўлмагани сабабли бундай исм-фамилиялардаги ҳар хиллик муаммо ҳисобланмайди.

* * *

Мен бир ёзувчининг асарларини севиб мутолаа қиламан. Ҳикоя ва романларининг остида одатдагидек бир хил имзо қуйилади. Кейинроқ билсам, адибнинг асл фамилияси ҳужжатларда бошқача ёзилар экан. Тахаллус бўлса керак, деб ўйласам адашибман. Ўйланиб қолдим. Ёзувчи — жамиятнинг илғор зиёлиси. Нима сабабдан бугунга қадар фамилиясидаги бу чалкашликни (имловий хато) тузатмай келяпти? Афсуски, газета ва журналларда, илмий-амалий анжуманлар, ижодий учрашувларда юқоридаги каби Арипов, Ганиев, Тугалов, Газиева каби фамилияларга хос хатоликларни жуда кўп учратамиз.

Ватанпарварликнинг тўғри шаклланиши урф-одат, анъана ва қадриятларнинг қай даражада камол топиши, тилдаги ва дилдаги қарашларнинг яқдиллиги билан белгиланади. Она тили, бинобарин, давлат тили биз учун муқаддасдир. Унинг софлигини сақлаш, эски ғуборлардан поклаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Токи, биз бу борадаги айрим, арзимас нуқсонларни ҳафсаласизлик билан тузатмас эканмиз, бу чалкашлик келажак авлод исмларида ҳам нуқсон бўлиб қолаверади. Нуқсонни тузатиш эса "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунимиз бераётган имкониятлар туфайли қўлимизда, ўз инон-ихтиёримизда экан, бу имкониятдан вақтида фойдаланганга не етсин?!

Гулчеҳра АШУРОВА

Миллий адабиётимиз равнақига улкан ҳисса қўшган сўз санъаткори Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон поэзияси анъанавийликка эш бўлган, адабиётимиз тарихидаги катта ўзгаришлар даври шеъриятидир. Бу шоирнинг адабий-эстетик қарашларини тушуниш, шеърлари замиридаги рамзий маъноларни теран илғаш ва уларга муносабат билдиришдан аввал, Алишер Навоий ҳазратлари шеъриятига бир назар ташлаб ўтиш жонз. Зеро, "Адабиётнинг хусусияти, мазмуни ҳамда вазифаси ҳақида баҳоят маънодор бир таъриф Навоийнинг шеъриятга қарашини тўғридан-тўғри ва очиқдан-очиқ ифодалайди"(М.Шайхзода. Ғазал мулкининг султони. Т., 1972, 195-бет). Илло, Навоийнинг анъанавий, халқона оҳангга бой, кўнгил нидоси билан битилган анъанавий шеърияти тажрибаларидан улги олиш ҳар бир ижодкор учун юқори самара бериши сир эмас.

АНЪАНАЛАРГА ЭШ, ЯНГИЛАНИШГА ТАШНА

Чўлпон шеъриятида анъанавийлик

Ҳар бир миллат шеъриятининг халқаро нуфузи миллий қадриятлари мезонларига таяниши, чинакам анъанавийлик асосида шакланиш тарзи билан белгиланади. Зотан, миллат шоирининг бадиий услуби, шеъриятидаги поэтик образ, рамзларнинг ривожи, бардавомлилиги миллий анъаналар замирида янги-янги жиҳатларнинг кашф этилиши билан боғлиқ адабий жараёндир. Хусусан, Навоий ҳазратлари ўз шеъриятида анъанавийлик ва рамз-ишораларни қўллашга изчил ва теран ёндашган. Аслида бундай ёндашиш миллий адабиётда анъаналар узлуксизлигини таъминловчи мезон ҳамдир.

Айни шу маънода Чўлпоннинг "Улуғ Ҳиндий" мақоласидаги анъанавий мумтоз шеъриятимизга дахлдор қуйидаги хитобига баҳоли қудрат муносабат билдириб ўтиш жоиз кўринади:

"Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил!

Кўнгил бошқа нарса – янгилик қидирадир: Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқиймен, қувонтирадир, холос! Улар менинг учун ёнгон чироқлар бўлса, менинг эртам учун! Авлоний, Тавалло, Сиддиқий ва Ҳакимзодаларни ўқимаймен, ўқимаймен, мени шу ҳолга солгон ўшалар!..." («Адабиёт надур». Т., "Чўлпон", 1993, 57—58-бетлар).

Шоирнинг ушбу рамзий хитоби – анъанавийликка муносабати адабиётшунослар томонидан турлича талқин қилиниб келинаётир. Бу талқинларни ривожлантириб айтиш лозимки, шоирнинг рамз ва гўзал адбиий тафаккурга ўралган сирли, жумбоқли ушбу хитобини ўша даврдаги айрим дилозор, адабий идроки ҳаминқадар қаламкашларга қарата айтилган зардаси, дейиш ҳам жоиздир. Негаки, улар ўша кезларда зўр бериб шоир ижодидан сиёсий хатоларни қидираётган, унинг номини, ижодини қоралашга уринаётган эди. Чўлпоннинг бу хитоби замиридаги асл муддао эса барча ижодкорларни бир мақсад сари – миллий адабиёт равнақи йўлида бирлаштиришдан иборат эди, холос. Унинг наздида, шеър жозибаси фақат қофия, шакл ва мазмун уйғунлигидагина эмас, балки ундаги поэтик образнинг ҳаётийлиги, ҳаққонийлигидадир. Энг муҳими, ҳар бир давр шеърияти ўзига хос тарзда эркин ҳаракатланмоғи ва янгиланмоғи керак. Демак, Чўлпон шеърияти аслида анъанавийликка эш, янгиланишга ташна шеъриятдир. Негаки, бу даврда худди шундай шеъриятга кучли бир эҳтиёж бор эди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, шоир шеъриятига янги нафас олиб киришда фақат кўр-кўрона анъаналарга таяниб қолиш ножоизлигини назарда тутган. Собиқ шўро даври мафкурасининг исканжасига тушган ҳар қандай фидойи ижодкор бу масалага ана шундай сирли ёндашиши табиий бир ҳол эди.

Маълумки, шоир шеъриятининг замирида яссавиёна, навоиёна, машрабона анъанавий услуб бор. У ўз поэзиясида мумтоз шеъриятимизга хос поэтик анъанавийлик ва тимсоллардан тортиб, лафзий ва маънавий, ҳатто «тажоҳулу-л-ъориф»(билиб билмасликка олиш) сингари бадиий санъатлардан кенг фойдаланган. Зеро, чўлпоншунослиқда таъкидланганидек, шоирнинг биргина машҳур "Гўзал" номли шеърида қарийб ўнга яқин мумтоз адабиётимизга хос (тазод, интоқ, тасбиғ, ташхис, ружуъ, муболаға, иғроқ, тадриж, иштиқоқ, ташбиҳ каби) бадиий санъатлар қўлланилган. Чунончи, Навоий шеъриятига муҳаббати баланд шоир ўз шеърларида "қуёш", "ой", "кўк" каби поэтик тимсол ва рамзларни қўллаб, анъанавийлик меъёрларига риоя қиларкан "қуёш" поэтик тимсолидан турли маъноларда фойдаланади. Масалан, "Қаландар ишқи" номли шеърида ўқиймиз:

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Бир қарашда ушбу мисралар маъноси рамзий ифодалар талқинисиз ҳам тушунарлидек кўринади: худди Чўлпоннинг адабиёт оламида тутган ўрни ҳақидаги умумий шарҳлардек. Аммо бу шеър синчковлик билан шарҳланса, шоирнинг бадиий кайфияти янада аниқлашади: Чўлпон – Тонг юлдузи тунги сайрдан сўнг, яъни қуёш чиқишидан олдин гўё кўз илғамас даражада яна бир лаҳза кўзга ташланади-ю, тезда ғойиб бўлади. Шоир бу ўринда ушбу юлдузнинг бошқа сайёраларга қараганда жуда тез, журъат билан ҳаракат қилишига ҳам ишора этади. Яъни шоир талқинича Чўлпон юлдузи жасорат тимсоли ҳамдир. Бу ерда яна бир рамз ҳам бор: муҳаббат шундай бир ажиб туйғуки, ундан таралаётган меҳрни фақат қуёш нурларига қиёслаш мумкин. Бу нурга Тонг юлдузи бардош бера олмаслиги айни ҳақиқат. Зеро, бу мисраларда "чўлпон" сўзи нафақат шоир таҳаллуси, балки ўрни билан анъанавий шеъриятимизга хос поэтик образ – маънавий бедорлик рамзидир. Бинобарин, бу талқинлардан шоир шеърияти замирида кучли бир миллийликка вобаста анъанавий издошлик борлиги аниқ сезилади. Айни шу маънода Алишер Навоийнинг «Наводир уш-шабоб» асаридаги "Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун, Нишона ҳар бирига, дермен, ушбу хаста бош ўлсун" матлаи билан бошланадиган 504-ғазалидан бир байтни ғазалнинг умумий мазмуни шарҳи билан бирга келтирамиз:

Қуёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбиҳ,
Оғиз гар зарра, Чўлпон – кўз, янги ой анга қош ўлсун.

Аввало, ушбу байтдаги энг характерли "чўлпон" сўзига эътиборни қаратайлик. Бу сўз Алишер Навоий асарларида "ёруғ тонг юлдузи", "гўзал", "чиройли", "порлоқ" сингари маънолларда қўлланилган. Умуман, мумтоз адабиётда "Чўлпон" – "Зуҳра", "Ноҳид" номлари билан ҳам юритилади. У қуёш системасидаги катта сайёралардан бири, Ерга энг яқин, Қуёшдан ҳисоблаганда иккинчи сайёра. Форсий ривоятларга кўра эса, Чўлпон-Ноҳид афсунгар Ҳорут ва Морут ошиқ бўлган аёлдир.

Ушбу байтда «муроату-н-назир», яъни «мутаносиб» (бир-бирига мос ва монанд сўзларни бир байтга жамлаш; масалан, қуёш ва ой, кўз ва қош сингари сўзлар) бадиий санъати қўлланилган. Яъни ушбу байтда қуёш ва ой сўзлари "гардун" сўзи орқали ўзаро боғланади.

Абдулҳамид ЧЎЛПОН.
Рассом Азиза Маматова. 1991

Бу санъат мумтоз адабиётда «таносуб», «талфиқ», «тавфиқ», «ийтилоф» деб ҳам юритилади (Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Т., 1981, 232-бет).

Шоирнинг поэтик талқинича, агар ишқ туфайли осмондан дўл ёғса, майли, тошга айлансин. Фалак қуёшдек келадиган тиллаларни ҳадя этса ҳам мен уларни рад этаман. Эй ёр, сенинг қуёшдек меҳринг ошиқлар қалбини қиздиради. Қуёшни, Тонг юлдузи-ку тонг юлдузи, балки ойга ҳам ташбиҳ қилиб бўлмайди. Майли, ташбиҳда сенга бир йўл кўрсатай. Агар сен ёрнинг оғзини бир зарра деб билсанг, унинг шаҳло кўзини Чўлпон юлдузи, қошини эса янги чиққан ойга қиёс қила қол?!

XX аср ўзбек адабиёти

Бу ўринда Навоий "чўлпон" сўзини гўзаллик тимсолида қўллаш баробарида сонияда минглаб чақирим йўлни босиб ўтадиган тез учар сайёра – Чўлпон вафо, муҳаббатда ҳеч қачон қуёшдек вазмин бўла олмаслигини поэтик рамзларда ифодалайди. Айни шу маъноларни назарда тутсак, Чўлпонга бу мисралар таниш бўлиши эҳтимоли кўпдир. Зотан, шоир шеъриятидан бой анъана ва улуғ янгиланишларга хос навоиёна мумтоз услуб уфуриб туради.

Навоий ҳазратлари ғазалларида ошиқнинг ҳолати қанчалар забун бўлишидан қатъий назар, унинг руҳи самолар қадар юксак экани гўзал шоирона ташбиҳ воситасида тараннум этилади:

Куйдуруб, эй ишқ ўти, гардунга совурдунг кулум,
Поява охир бу янглиғ қўкка еткурдунг мени.

«Бадоеъ ул-бидоя» девонининг "Эй қуёш, невчун қошингдин соядек сурдунг мени, Равшан айлаб жумлаи оламни, куйдурдунг мени" матлаи билан бошланадиган 745-ғазалидан келтирилган мазкур байт маъносига асосланиб айтиш жоизки, Чўлпон шеъриятида ҳам Навоий шеъриятига хос юксак ишққа уйғун тимсол ва халқона оҳанг устунлик қиладиган анъанавийлик мавжуд. Фақат камдан-кам санъаткоргина улуғ шоирнинг ижодий маҳоратидаги бетакрор услубига янгича руҳ, оҳанг қўша олиши, яъни уни санъаткорона бардавом эттира олиши мумкин. Ана шундай бахт Чўлпонга насиб этган.

Мазкур мулоҳазаларимизни атоқли адиб Ойбекнинг: "Символист шоир (Чўлпон назарда тутилган – **М.А.**) Навоийни энг юқори даражага қўйиб, унинг бутун методларини ўрганишга қистаб, шунинг билан бирга бизнинг ёш ёзувчиларимизга символистикани ўргатиб келдилар. Навоий йўлида суяги қотгон Чўлпонни текшириб, шунинг учун ундаги услуб ва шаклини ўрганишга киришадилар", деган фикр ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, устоз Озод Шарафиддинов ҳам "Чўлпонни англаш", "Адабиёт яшаса – миллат яшар" номли мақолаларида шоир шахсияти ва шеърияти ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтган. Хусусан, Чўлпоннинг доимо ва ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ўз метин эътиқодига содиқ қолган, "ғоявийлик", "партиявийлик" деган иллатлардан юқори турганлиги ҳам ишонарли тарзда баён этилган. Албатта, Чўлпон ижодиёти борасидаги бундай маълумот ва талқинлар бошқа адабиётшунос олимларимизнинг илмий ишларида ҳам мавжуд. Уларнинг изланишларини давом эттириш эса, айни муддаодир.

Хуллас, 20–30-йиллар ўзбек миллий адабиётидаги анъанавийлик, шеърият замиридаги тимсол ва рамзларнинг янгича такомили Чўлпон шеъриятида ўз аксини топди. Эндиликда ана шу шеърият моҳиятини тўла англашга эҳтиёж ортаётир. Кўриниб турибдики, бу – шоир шахсиятига доир адабий манбаларни янада теран, шоир шеъриятига хос навоиёна анъанавийлик хусусиятларини кенг миқёсда ўрганишни тақозо этади.



Манзар АБДУЛХАЙРОВ

ГЎЗАЛЛИК – АСАРНИНГ ҚАЛБИ

Инсон табиатан ҳамма нарсанинг қизиқарли бўлишини хоҳлайди, ўзида қизиқиш уйғотган нарса-ҳодисага интилади. Қизиқарлилик уни кўришга ва кўрсатишга, сўзлашга ва тинглашга, ўқишга ва ўрганишга, меҳнат қилишга ва яратишга чорлайди. Бунинг акси бўлмиш зерикарлилик эса, аксинча, инсонда теварак-атрофга бефарқлик, лоқайдлик кайфиятини уйғотади.

Муайян воқеликнинг қизиқарлилиги кишининг унга ҳиссий муносабатидан келиб чиқади. Бундай муносабатни уйғотиши учун воқелик киши эътиборини тортиши, унинг фаол аралашувини таъминлай оладиган даражада қизиқишини пайдо қилиши керак. Қизиқарлиликнинг қамрови жуда кенг. Маънавий ҳаётда эса эстетик тушунча сифатида алоҳида диққатга молик. Лекин ҳозиргача нафосат фалсафасига доир замонавий илмий ва услубий адабиётларда бу тушунчага деярли эътибор берилмаётир.

Бадиият ва назария

Шубҳасиз, қизиқарли бўлмаган санъат асари идрок этувчининг диққатини тортолмайди ва охир-оқибат унутилади. Зеро, қизиқарли бўлмаган спектакл ёки филм томоша қилинмайди, қизиқарли бўлмаган бадиий асар ўқилмайди. Қизиқарлилик хусусиятидан маҳрум бир қолипдаги кўпқаватли бетон уйлар меъморлик санъати намунаси сифатида идрок этилмайди. Шундан келиб чиқиб, қизиқарлиликни томашабин ёки китобхонда эстетик завқ, ҳис-ҳаяжон уйғотадиган ўзига хос эстетик хусусият, десак адашмаймиз. Бундан ташқари, санъат асари қизиқарлилик хусусиятидан маҳрум бўлса, қадриятга айланмайди, зеро, нимаики қадриятга айланган экан, у бизни қизиқтирган ва ҳозир ҳам қизиқтиради.

Бадиий адабиётда қизиқарлилик ҳақидаги илк жиддий мулоҳазаларни француз файласуфи Дидронинг «Драматик шеърият тўғрисида» номли эстетик рисоласида учратамиз. Чунончи, рисоланинг «Қизиқиш ҳақида» деб номланган бобида муаллиф спектакл идрок этувчида, албатта, қизиқиш уйғотиши зарурлигини таъкидлайди. (Қаранг: Дидро Д. Эстетика и литературная критика. М., 1980, 251-256-бетлар.) Лекин муаллиф қизиқишни алоҳида эстетик тушунча сифатида тақдим этмайди, балки қизиқарлиликни драматик асарнинг муҳим хусусиятларидан бири, сюжет ва ижрога алоқадор жиҳат, деб таъкидлайди. Лекин кўриб ўтганимиздек, қизиқиш бошқа, қизиқарлилик бошқа: биринчиси – субъектда, иккинчиси объектда мавжуд бўлади. Дидро қизиқиш деганда томошабиннинг эстетик муносабатга киришганидан кейинги, спектакл намойиш этилаётгандаги ҳиссиётни назарда тутади, холос. Ваҳоланки, қизиқиш ушбу эстетик жараён бошланишидан олдин юзага келади ва қизиқарлилик учун ҳиссий туртки вазифасини ўтайди. Зеро, қизиқиш ҳисси, соғинч ва қўмсашдан фарқли ўлароқ, ўтмишда рўй берган ҳодисани эмас, балки келажакда, яқин орада бўладиган воқеликни назарда тутади, унга интилади. Дейлик, муқоваси чиройли, номи ҳам диққатни тортадиган роман китобхонда уни идрок этишга қизиқиш уйғотиши мумкин. Лекин асарни ўқий бошлаганда ўқувчи қизиқиши ортмаса, аксинча зерикса унда эстетик қизиқиш сўнади. Демак, қизиқиш объекти қабул қилиш воситасидир.

"Қизиқарлилик" атамасини биринчи марта буюк олмон файласуфи Артур Шопэнҳауэр қўллаган. У «Қизиқарлилик хусусида» номли мақоласида қизиқарлилик эстетик хусусият эканини, гўзаллик билан ёнма-ён бадиий асар яхлитлигини таъминлашини айтиб, қуйидаги хулосага келади: «Қизиқарлилик, бу – поэтик асарнинг вужуди, гўзаллик эса унинг қалби. Эпик ва драматик асарларда қизиқарлилик ҳар бир ҳаракатнинг муқаррар хусусияти сифатида материяни, гўзаллик эса шаклни намоён этади; иккинчисининг мавжудлиги биринчисининг борлиги билан боғлиқ» (Шопенгауэр А. Введение в философию. Об интересном. Минск, 2000, 398-бет).

Шопэнҳауэр қизиқарлиликни фақат насрий, шеърий ва драматик асарларга нисбатан қўллайди. Аслида, юқорида айтганимиздек, уни бошқа санъат турларига ҳам қўллаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, қизиқарлилик гўзаллик ёки улуғворликнинг идрок этувчига етиб боришига имкон яратиш баробарида, улар билан асар давомида "ҳамкорлик" қилади. Аммо асарда қизиқарлилик меъёридан ортиб кетса, гўзаллик ёки улуғворликнинг "рақиби"га айланади. Чунки ўта қаттиқ ҳаяжон кўзғатадиган, юракни «қинидан чиқариб», ҳапқиритиб юборадиган даражадаги қизиқарлилик идрок этувчининг руҳига эмас, кўзига таъсир кўрсатади. Идрок этувчи диққат-эътиборини фавқулодда қизиқарли воқеага қаратади, гўзаллик ёки улуғворлик эса қизиқарлилик соясида қолиб, иккинчи даражали ҳодисага айланади. Масалан, ўткир сюжетли "жангари" филм томошаси ёки детектив роман мутолаасида "Мана ҳозир, мана ҳозир!.." деган ҳаяжонда гўзаллик эътибордан, асардаги қизиқарли воқеалардан орқада қолиб кетади.

Зеро, гўзаллик ва улуғворликни ақл билан ҳиссиётнинг уйғунлиги орқалигина росмана бадиий талқин қилиш ва идрок этиш мумкин. Қизиқарлилик ақлга эмас, ҳиссиётга қаратилган ва шу туфайли меъёридан ошганида ҳиссиётга салбий таъсир кўрсатади, бу таъсирдан, ўз навбатида, ақлга зиён етади. Ҳар қандай «совуқ ақл»да ҳам ҳиссиётнинг маълум бир улуши борлиги ҳисобга олинса, демак, меъёридан ошган қизиқарлилик гўзалликдан, улуғворликдан узилиб қолади ва эстетик диднинг пасайишига хизмат қилади. Биз бу салбий ҳодисани ҳозирги пайтда оммавий санъатда яққол кўришимиз мумкин.

Эстетик идрок этиш жараёнини тўхтатиб қўядиган ёки сустлаштирадиган зерикарлилик эса, асосан, бадиий асар муаллифида истеъдод, ўзига хос услуб, маҳорат, тажриба етишмаслигидан юзага келади. Масалан, қисса ёки роман муаллифининг бадиий тасвир ўрнига баёнчиликка, қаҳрамонлар характерини яратишда деталлаштириш ўрнига умумий таъриф-тавсифга уриниши, асарни «семиртириш» учун сохта сюжет чизиқларини киритиши, китобхонни ўз ортидан эргаштириш ўрнига унинг юзаки қизиқишига эргашиб, авом нимани талаб қилса ўшани муҳайё этишга зўр бериши ана шундай самарасиз натижага олиб келади.

Зерикарлилик муаллифда илҳомнинг, жонли тасаввурнинг, танланган воқеликка эҳтиросли муносабатнинг, ҳаяжонли бадиий идрокнинг йўқлигини англатади.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкин: эндиликда қизиқарлилик ва зерикарлилик тушунчаларини нафосат фалсафасига татбиқ этиш ҳамда уларни жиддий ўрганиш пайти келди. Чунки бу тушунчалар замонавий шахсни гўзаллик ва улуғворликнинг моҳиятини теранроқ англаб етишга ва шунинг баробарида тобора авж олиб бораётган оммавий санъат хуружидан уни ҳимоя этишга, демакки, эстетик диднинг юксалишига хизмат қилади.

Абдулла ШЕР

"БОБУРНИНГ ЙИГИТЛИГИ"

Доимий ҳамроҳ

Таниқли шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммад ўзининг ижодий фаолияти давомида шеъриятнинг барча жанрларида қўплаб асарлар ёзиш билан бирга драматург, публицист, носир сифатида ҳам талайгина китоблар чоп эттирди. Унинг долзарб мавзуларга бағишланган "Тошкентнинг нозанин маликаси", "Хотинлар "гап"идан чиққан ҳангома" сингари асарлари пойтахтимиз, вилоятлар ва қардош республикалар театрлари саҳналаридан тушмай келмоқда.

Яқинда "MERIYUS" нашриётида адибнинг "Бобурнинг йигитлиги" номли китоби босмадан чиқди. Бу муаллифнинг тўрт жилдга мўлжалланган асарларининг биринчи жилди бўлиб, унга "Бобурнинг йигитлиги", "Улуғбек шарофати" сингари бешта тарихий драматик қиссалари, "Тошкентнинг нозанин маликаси", "Хотинлар "гап"идан чиққан ҳангома", "Кўнгил — чинни пиёла" каби жами ўн иккита замонавий мавзудаги драматик асарлар ва бир неча драматик эртак қиссалар жамланган.

Драматургнинг замонавий драматик асарларида инсон ахлоқи ва маънавияти масалалари қаламга олинган. Драматик эртак қиссалари эса, халқ ижодиёти — достонлар, эртаклар, қўшиқ ва мақоллардан илҳомланиб ёзилган. Тарихий мавзудаги асарлари ҳақидаги мухтасар сўзбошида муаллиф ёзади: "Тарихий сиймоларни саҳнага олиб чиқишда тарихдан олган сабоқларнинг ўзи етарли эмас. Қаҳрамон сифатида танланган сиймоларнинг хаттиҳаракатига, уларнинг сўзлари ва монологларига томошабинни ишонтира билиш ҳам талаб этилади. Бу ишга қанчалик маҳоратим қобил бўлган — бу энди китобхонлар ҳукмига ҳавола".

"Бобурнинг йигитлиги" китоби масъул муҳаррири Асрор Самад. Муҳаррир Ҳ.Маҳмудова.

"СОЗАНДА" — СОЗ АСАР

Китобингизни ўқидим

Таниқли ёзувчи Комил Авазнинг бир неча ҳикоя, қисса ва романларини, драматик асарларини, шеърий тўпламларини ўқиб, маънавий озиқ олганмиз. Ижодкорнинг "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Созанда" номли тарихий романини мутолаа қилгач, муаллиф Хоразм воҳасининг бир асрлик ҳаётини тасвирга олишга интилиб, муайян ютуқларга эришганига гувоҳ бўлдим.

Романни ёзишда Комил Аваз шоир ва мусиқашунос Ферузнинг адабиёт, санъатга жонкуярлигини, Мунис ва Огаҳий, Комил Девоний ва Комил Хоразмий, Аваз Ўтар ва яна ўндан зиёд шоир ҳаёти ва фаолиятини реал тасвирлаган. Тасаввур маҳсули бўлмиш пахлавон ва гўянда Қутлуғмурол ила оқила, гўзал қиз Қамарсултоннинг муҳаббат дунёсидаги кечмишлари, Исфандиёр хоннинг халққа ўтказган зулми, Матти муррукдек сотқин ва иғвогарларнинг жирканч қилмишлари баёни ўқувчи кўз олдида яққол намоён бўлади. Айниқса, Маноқ қалъаси ҳокими, забардаст паҳлавон, ноёб ақл соҳиби Нуржон ботирга Феруз томонидан кўрсатилган меҳр, Нуржон ботирнинг қотили Шомми кал, Тошҳовуз шаҳрининг ён қишлоғида туғилиб, халққа маърифат тарқатишда жонбозлик кўрсатган Собир дорбознинг нафис санъати романда ажиб бир жозиба касб этганки, бунга ушбу тарихий романни ўқиган ўқувчи амин бўлиши шубҳасиз.

Романда таърифи келтирилган Собир дорбоз бизнинг ҳамқишлоғимиз бўлган. Унинг дор ўйинидаги маҳорати таърифини оталаримиздан эшитиб ҳайратга тушганимиз ҳамон эсимизда. "Созанда"ни ўқиб, Собир дорбоз ҳақидаги оталаримиз таърифи кўз олдимизда гавдаланганидан завқландик, ҳайратимиз ошди. Бу ҳайрат роман муаллифининг ёзувчилик маҳоратидан далолат беради.

Мен "Созанда"да муаллифининг Нуржон ботирга берган таърифини ўқирканман болалигимда онажоним — Ойжаҳон отиннинг Нуржон ботирни йўқлаб айтган қўшиқлари хотирамга келди. (Онамнинг айтишича, бу қўшиқларни бахши шоир мулла Муҳаммаджон бобом эл орасида дутор чалиб, куйлаб юрган эканлар);

Оҳ, полвоним, Нуржон ботир болам-а,
Осмонларни тутди чаккан нолам-а.
Ёлинаман ёлғиз Оллотолама,
Илоё Шоммини авлиё ургай.

Романдаги образларнинг ўзига хос тили, феъли, шоир ва созандаларнинг ўзларини даврада сипо тутишлари, "Наврўз" сайлида Хоразм халқининг удум ва томошалари — барчабарчаси тўла ҳаётийлик касб этгани билан ўқувчида тиниқ таассурот қолдиради.

Истеъдодли адиб Комил Авазнинг "Созанда" романи ўзининг эътиборли жиҳатлари билан кўҳна Хоразмнинг бой тарихини, ота-боболаримизнинг ибратли ҳаётларини қайта эсга олишда, ҳозирги озод ва фаровон турмушимизнинг қадрига етишда муҳим тарбиявий аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ҳайитмат РАСУЛ

Ўроз ҲАЙДАР

КЎЗГУГА АЙЛАНАР КЎНГИЛ

КУЗ

Хазон ҳидин сочур кузнинг ҳавоси,
Ҳали ўчган эмас куннинг сафоси.

Мезон ипларидай тортилар таранг,
Толнинг чивиғидан таралган оҳанг.

Бир қиё боқиб қўй пахтазор томон,
Кўзингда чақмоқтош чақнар ногаҳон.

Оппоқ булутлардай кўпирган пахта,
Замин момиқ ичра ўлтирар тахтда.

Ҳали қишни сира тутма деб отин,
Қуёш чўнтагидан узатар олтин.

Фароғатбахш кунлар товонидир бу,
Кузнинг қишга тахтиравонидир бу!

Сийланган маконни сийлайди эгам,
Сийлов бахти билан тахтли халқим ҳам.

Дўстгинам, қани юр, дала кезайлик,
Тупроқдан боболар тафтин сезайлик.

Кўкка бош отайлик, биз сари унсиз,
Худди отамиздек боқаётир Куз.

ДИЙДОР

Икки чол — икки дўст учрашиб қолди,
Гапни гоҳо тоғдан, гоҳ боғдан олди.

—Худога минг шукр, — сўз олди бири, —
Қай бир тош остида кетмадик чириб.

Замон қамчисини ўйнатганда ҳам,
Ковакда жон асраб қутулдик, ошнам.

Жуда бошқачада ҳозирги замон,
Сут тиши чиқмаган чеварам Омон,

Соткада гаплашар бешикдан тушмай,
Ишонгим келмайди, туюлар тушдай.

—Энасин қорнидан тушгани ҳамон,
Қани мошин дермиш чеварам гирён.

Гапни илиб кетди иккинчи чол ҳам, —
Бир ошам ошдайин ҳаётдир хуш таъм.

—Кампир қандай, кампир, кампирдан гапир,
—Бир қисим туршакдай, юз бўлса патир.

—Бизники сал гапга қилади тумшуқ,
Қамчини олдирдик, гар урдимми дўқ,

Уч кун, гоҳи ҳафта эшик қараймиз.
—Уларнинг кунига энди яраймиз.

Қўлида гоҳ руҳмиз, гоҳ фарзин, тўра,
Жилови йўқ отга ўхшаймиз, жўра.

МУҲАББАТ

Муҳаббат қуввати қуёш баробар,
Энг хунук нарса ҳам кўринар лобар.

Хушбўйлик улашар бўғиқ, зах ҳаво,
Балчиқ сувидан-да тополгунг даво.

Қуриган новдага бахш этур ҳаёт,
Туйқус осмонингдан ёғилар баёт.

Рўёлар найранги тортолмайди мил,
Кўзгуга айланур ҳар қандай кўнгил.

Илк бора ўзингни тинглайсан, лекин
Зулматда ҳам тонгунг уйинг эшигин.

Ўзингни ўзингдан этурсан озод,
Кўнгил ватанида қолгунг умрбод.

ҚУШИҚ

Ой зулфини сойда тараган оқшом,
Юлдузлар уялиб қараган оқшом.

Хаёл қизи билан сирлашганда кўк,
Нуқра тус ер билан бирлашганда кўк,

Мажнунтол баргига инганида дил,
Шабнам шовурига дўнганида дил,

Сабо қизалоқдек хўрсингани дам,
Рўмолингни отдинг менга, маъбудам.

Ойнинг чашмасидан сут исин туйдим,
Суймаганим не бор, барини суйдим.

Майса титроғидан тўлғонди олам,
Муҳаббат юзимга тутди ойнам.

Тош эдим, тоғ бўлдим, ҳа, ўша оқшом,
Чўл эдим, боғ бўлдим, ҳа, ўша оқшом.

СОҒИНЧ

Елдирим йиллар-ла, ҳа, чопа-чопа,
Дунёдан не топдим, қўлим бўш, опа.

Менга дейсиз ҳар гал дийдорлашган он:
"Отамни кўргандай бўлдим, укажон.

Лойсувоқ томимиз эсингдамикин,
Қизғалдоқ баргидан чек тутган текин.

Ҳар битта шабнамда титрарди қуёш,
Дер эдик тўкаркан қуёш ҳам кўз ёш.

Кўзимдан ўчмайди энам ёпган нон,
Тушларимда учиб юради ҳамон.

Ҳув, энам кувида шопирар айрон,
Ойдинда ой боқар мисоли жайрон.

Момолар гурунги, қизлар кулгуси,
Жонга титроқ солиб, нурга тўлгуси.

Шуқур чавандознинг набирасисан,
Бобом от устида жон таслим қилган.

Чўк тушма, бобом тик турар гўридан,
Узилиб қолмагин элнинг зўридан.

Отинг жиловини тутма ғанимга,
Асло доғ тушмасин обрў, шанингга.

Отам уруш кўрган, ўқ уздим дерди,
Ўзидан уялиб, тепарди ерни.

Жангдан қайтганларга осонмас зинҳор,
Душман оналарин маломати бор.

Ота ҳам, эна ҳам бир чилги узум,
Узилса, боғингни тарк этар шу зум.

Энам дийдорида ойни кўраман,
Отам юрган йўлда сойни кўраман.

Тошлар ҳам оқаркан дарё тошганда,
Қўлинг ерга етмас ёшинг ошганда.

Бошинг тошдан бўлсин, ука, омон бўл,
Замон етагига олса, замон бўл..."

Мен ҳам дейман сиз-ла хайрлашган он:
"Онамни кўргандай бўлдим, опажон!.."

КУЗ ТОНГИ

Ҳали кўкда қуёш айтмасдан азон,
Шамол этагида тўзийди хазон.

Кумуш тангасини сувда ўйнаб Ой,
Мавжлар жиғасига беради чирой.

Олис кенгликларнинг муздай ҳовури
Шуълага белайди шабнам шовурин.

Энтиқиб, сен сари илдамлайди йўл,
Мовий ойнасини тутар бунда қўл.

Сокинлик чодирин йиғиштирар жим,
Қара, ҳув турналар отиб арғамчи.

Дарахтлар гулхани гувиллар беун,
Қизарган барглардан сочиб-да учқун.

Совуқ нафосатнинг оловли саси,
Олис хотиротнинг эрур нафаси.

Тоғни елкасига хуржундай ташлаб,
Тонгни Ер бораётир қуёшга бошлаб.

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

ЖИЙДАНИНГ ГУЛИДАН ЗИРАГИМ

ТИЛАК

Қушнинг уясидек маконим бўлса,
Каломи барҳаёт забоним бўлса,
Меҳр сўрамоққа имконим бўлса,
Менга шунинг ўзи, шунинг ўзи бас.

Ариқнинг тошидан мунчоғим бўлса,
Бойчечак баргидан пичоғим бўлса,
Лаҳза бешик, аср учоғим бўлса,
Менга шунинг ўзи, шунинг ўзи бас.

Бош қўйсам, баҳорнинг елкаси бўлса,
Ёпинсам, гулларнинг кўлкаси бўлса,
Пешонам қўёшнинг ўлкаси бўлса,
Менга шунинг ўзи, шунинг ўзи бас.

Буларни кўп кўрган қисмат бўлмаса,
Шамолнинг эсгани хизмат бўлмаса,
Гуллар сочган атр миннат бўлмаса,
Менга шунинг ўзи, шунинг ўзи бас.

Жийданинг гулидан зирагим бўлса,
Кун ботиб, тонг отган юрагим бўлса,
Охир бир кун сенга керагим бўлса,
Менга шунинг ўзи, шунинг ўзи бас!

* * *

Насиб бўлса ҳали яшайман узоқ,
Дилимга умидлар ташлаётир чўғ.
Атрофимда бедор қанча дўстларим,
Улар қайгусига сабаб бўлгим йўқ.
Мен ҳали яшайман жуда ҳам узоқ,
Ташвиш камонидан ёғилса-да ўқ.
Атрофимда сергак қанча нодўстлар,
Улар қувончига сабаб бўлгим йўқ.

* * *

Дунё бир кам дерлар, дерлар нокомил,
Асли у уйғунлик ойинасидир.
Дунё бир кам демоқ балки таомил,
Балки одамларнинг фалсафасидир.

Оламнинг баркамол саровари — қуёш,
Ҳаётнинг муносиб онаси — замин.
Ҳар зарра ўлчанган, ўрнида ҳар тош,
Ой, офтоб кун-тунни қилади таъмин.

Нима етишмайди, недир ортиқча,
Ҳар унсурнинг бордир ўз вазифаси.
Айланмасди олам битта урчуқча,
Ортиқ ё кам бўлса бир сайёраси.

Коинот безавол, дунё беқусур,
Бевақт яралмаган ҳатто чумоли.
Тўрт фаслда офтоб тарар тўрт тарз нур,
Мавсумлар алмашар соқчи мисоли.

Дунёнинг ишлари шундай ботартиб,
Инсоннинг аъмоли бетартиб, нобоп.
Ўрик гулларини бўлади тортиб,
Инсон туйғуларин ўлчамоқ азоб.

Ўзи бузиб дунё мувозанатин,
Оламга носоз деб қўяди айб ҳам.
Тузатмоқ бўлади ҳатто олмай тин,
"Бузуқ" дунё ишин "мукаммал" одам.

Майли, мен уларга қилмайман таъна,
Одамзод наслидан, ахир, ўзим ҳам.
Биламан: шу фурсат, шу дам, шу сана
Дунё иккимизсиз чиндан бири кам!

АЙЛАДИ

Изтироблар гулхани кунларим нор айлади,
Соғинчлар жигаримни суви анор айлади.

Сўз олови қуйдирар, кўз олови ўлдирар,
Бир назар, бир сўз билан девонавор айлади.

Дейди мудом муштоқман, оёғингда тупроқман,
Ишонмайман бироқ ман — йўлига зор айлади.

Оҳдан эгик қошларим, кўзимнинг ёши ярим,
Ярмин сотиб ёмғирга, ярмини қор айладим.

Кун-кун ундан йироқман, кундан кун яқинроқман,
Ярим ёнар чироқман, ўзимдан ор айладим.

Нетай, кўнглим бут эмас, бутун дил ҳам қут эмас,
Ғалвирнинг кўзларига бағрим изҳор айладим.

Шамолларга арз қилсам, дунёлардан қарз қилсам,
Кўнглинг ололаманми, ошди бозор айладим.

Чечакларга юз тутмай, қўкламни собит қутмай,
Баҳорни ҳам қўйингда эй, беқарор айладим.

Ёзу кузга ёрмасман, қишга харидормасман,
Тўрт фаслни айланиб, кўзимни чор айладим.

Гулга қара — юзим кўр, ерга қара — ҳолим сўр,
Кўнгли қаттиқ, илми зўр, наҳот озор айладим?

Ҳали дардни биларсан, менга даъво қиларсан,
Мен-чи, ҳайрон бўларман, қачон бемор айладим?

ҚУШ БИЛАН

Наслим парилардан, аслим Гулойим,
Менда Тўмарис ҳам Нодира қоим,
Билмам, дарё ўтган жойданми лойим
Ичимда бир дарё оқар жўш билан.

Отам арзандаси, онам тумори,
Укамнинг ғурури, оғамнинг ори,
Ватаним эркаси, боғим баҳори
Бўлиб ҳур гулшанда юрдим хуш билан.

Онам эмранади кўзим, қизим деб,
Элим тебранади нурли изим деб,
Офат келса ногоҳ қалқон ўзим деб
Ўзгалар қимрилмас, келар иш билан.

Дунё тўғаракдир, бош-охири йўқ,
Бош ҳам дўнгалакдир қири, роши йўқ,
Ташвишни тарашлай десам тоши йўқ,
Умр кечар бўлди чап-ўнг туш билан.

Оламга ҳайрона боқмай ҳам қўйдим,
Одами лаиннинг макридан қуйдим,
Наҳот бир замонлар телбавор суйдим,
Муҳаббат қормиди, кетар қиш билан?

Тошларга лолалар сочган Худойим,
Одамга оламни очган Худойим,
Ғам чекмам, мен сендан кетганим сайин
Худойимга еттум шу хоҳиш билан.

Жўра ФОЗИЛ

БАЙРАМНИНГ РАНГИ

Ҳикоя

Байрам тонги эди. Унинг ҳаёт талатўпларидан озурда кўнглида қандайдир илиқлик, мўъжазгина бир нур бор эдию, лекин бу болалик, ёшлик пайтларидаги хурсандликларга сира ўхшамас, аллақандай ғам, андуҳга йўғрилганди.

Олдинги байрамлар жуда ғаройиб, бу кунларни у жуда зориқиб кутар, эвазига бир олам шодлик эгаси бўлиб чиқарди. Аслида болалик ва ёшликнинг ўзи ҳам бир байрам эди-да. Энди эса оддий кунлар кўпайиб бораяпти ва шунинг баробарида ёши ҳам етмишни қоралаб қолди.

* * *

Байрам тонгларида онаси анча уриниб қолган бўлса-да, тоза-озода кийимларини кийдирар, отаси қишлоқ ўқитувчисининг саноқли маошидан "ортиб" қолган пулдан 2-3 сўм берар ва болакай учун хурсандчилик бошланарди.

Унинг нигоҳида байрам кунларининг ўзгача ранги бор эди. Ўзи бу қанақа ранг эканини билмас, лекин яхши куннинг жуда ёрқин бўёқда эканини юрак-юракдан ҳис этарди.

У саводи чиқар-чиқмас китобга ошно бўлган, жуда кўп ўқир, эртаклар, хаёлот дунёсида яшарди. Байрам, унинг рангин қувончлари, энг аввало, боланинг кўнглида эди, бир-икки кун эмас, кунлар, ойларга чўзиларди.

Болакай қишлоқдаги яккаю ягона савдо дўконига бориб, ширин кулча, пуфак ва яна алланималар сотиб олар, сўнгра ўртоқларига қўшилиб, хурсандчилик қиларди.

... Шуларни хаёлидан ўтказган чолнинг кўнгли бироз ёришгандек бўлиб, ўрнидан турди.

Деразадан ғира-шира нур тушиб турарди. "Ё, Худо, инсон кўнгли ҳам мудом ана шундай ғира-шира экан-да. Бир умр ўрганганингда ҳам, ёнингдагиларни, ҳатто, энг даҳшатлиси, ўз-ўзингни ҳам англаёлмай бу дунёдан ўтиб кетасан..."

Лекин у кўнглида таскин билан эътироф этардики, ўз-ўзини англашдек улуғ неъмат ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ўзини, ўзлигини англаган инсон, бошқаларни ҳам, дунёни ҳам англай олади. Қолгани унчалик муҳим эмас... Аммо инсонлар ўзларини ва бошқаларни англай олганларида ер юзида ёвузликлар, қабоҳат, урушлар содир бўлмасмиди...

Шариф ака хона чироғини ёқди. Шундоқ, рўпарасидаги кўзгуда ўзининг сўлғин чеҳраси намоён бўлди. У салқи ёноқлари, пешонасидаги янада чуқурлашган ажинларга син солиб боқар экан, кўнгли тўлмади. "Ҳа, — чуқур "уф" тортиб ўйлади у, — ўктам чеҳраю, адл қоматлар ўша, байрамларда қолиб кетди...

У кейинги йилларда ўтказаётган ўзига хос "тажрибаларини" эслаб, мийиғида кулиб қўйди. Шариф ака байрамларда "Қани, биринчи бўлиб йўқламасам, мени бошқалар йўқлашармикан?", деган хаёлга бориб, ҳеч қаерга бормас, ҳеч кимга кўнгироқ ҳам қилмасди. Таассуфки, унга биров "бормисан" демас, "тажриба"лари барбод бўлиб, болачақа, дўст-биродарлар билан ўзаро муносабатда тенглик, адолат истаган қаҳрамонимиз ўзи билан ўзи қолаверарди.

"Бўлди, — деди Шариф ака қатъият билан, — энди сира тажриба ўтказмайман! Нима, кимгадир кўнгироқ қилганим ёки қилмаганимда бу дунёсида бирор нима ўзгариб қолармиди? Ахир, бу амалларни мен ёки дўстларим ўйлаб чиқарганимиз йўқ-ку! Шундай ўтираверсам, бутунлай ёлғизланиб қоламан!"

У ҳафсала билан соқолини қиртишлади. Сўнгра хотини, келини, ўғил-неваралари билан нонушта қилар экан, уларни қутлади, болакайларга "байрам пули" улашди. Неваралар пулни олгач, қий-чув билан кўчага отилдилар. Уларни кузатиб ўтирган бобонинг кўнгли тоғдай кўтарилиб кетди, болалигини эслади.

Нонуштадан сўнг хотинини ҳайрон қолдириб, кўчага отланди.

— Бахайр, отаси, — деди хотини жилмайиб, — мен сизни "чилла" ўтирганмисиз десам, хотини хурсанд бўлди, уни дарвозагача кузатиб чиқиб, яхши бориб келинг, деди. Кўча гавжум, ўтиб-қайтиб турган қўни-қўшни, таниш-билишларнинг салом-алигу хушмуомаласидан чолнинг кўнгли тобора ёришиб борарди. У қаддини ғоз тутиб, шаҳдам одимлаб борар, лекин ҳали қаерга боришини билмасди.

Худди шу аснода ёнгинасига сут рангли яп-янги "Нексия" келиб тўхтади. Рулда одмигина кийинган, мошгуруч соқоли ўзига ярашган синфдош дўсти Абдураҳим ўтирарди. У машинадан тушиб дўсти билан қучоқлашиб кўришди. Дўсти барваста, ҳамон бақувват эди, кўришаётиб Шариф аканинг суякларини шиқирлатди.

— Об-бо, сен-ей, — деди синфдошининг елкасига шапатилаб, — суякларимни синдираёздинг-ку. Аммо-лекин соқол жуда ярашибди.

— Ҳа, ҳа, — деди Абдураҳим, — йигирмата невара "бобо-бобожон"лаб турса ярашмай ҳам кўрсинчи! Сенинг эса ўша-ўша олифталигинг қолмабди. Ҳатто мўйлов ҳам қўймабсан?

— Э-э, мўйлов қўйиш қийин эмас-ку, лекин "мўйлов оши"нинг харажати ёқмайди-да, — ҳазиллашди Шариф ака.

— Қўрқма, харажати менга тан. Ўстиравер мўйловингни!

Шу тариқа ҳазил-мутоиба билан икковлон машинага ўтиришди.

— Хўш, қани, қаёққа оборий қўяй? — сўради Абдураҳим машинани юргизгач.

— Ҳе, шу ҳали қаёққа боришни билмайман. Шундоқ, байрам баҳона, дўстларни бир йўқлаб қўяй, деб кўчага чиққандим...

— Ундай бўлса, айни муддао экан. Кетдик, сенга янги боғимни кўрсатаман. Шу баҳона мириқиб отамлашамиз.

— Қандоқ бўларкан? — иккиланди Шариф ака, — уйдагиларга айтмагандим...

— Қанддек бўлади! Ахир, учрашмаганимизгаям анча бўлди. Бунақада бегоналашиб кетамиз-ку. "Меҳр кўзда" деб бежиз айтишмаган донолар.

— Бўпти. Ҳайда, ўша янги боғингга!

Чамаси ярим соатлардан кейин улар шаҳарга туташ катта боққа етиб келдилар.

Янги боғ шиғил ҳосил туккан, бир томонда шафтолизор, яна бир томонда олмаю анорлар ястаниб ётар, етилиб пишган мевалар ҳиди димоғни қитиқларди. Синфдошлар ишкомлар соя солган салқин сарҳовузга ўтдилар.

Дастурхон ёзилиб, нон, қанд-қурс, мевачева қўйилди. Икки дўст дуога қўл очиб, элюртга омонлик, ободлик тиладилар. Дастурхон устида суҳбат авжига чиқди. Болалик, ёшлик йилларини эслашди.

Шундан сўнг Абдураҳим дўстига янги боғини кўрсатди. У узоқ йиллар жамоа хўжалигида агроном бўлиб ишлаб, деҳқончилик илмини пухта эгаллаганди. Нафақага чиққач, фермерлик ҳаракатига қўшилиб, боғ яратишга киришиб кетганди.

Шариф ака унинг ишлари ҳақида эшитиб юрардию, бугун янги мевазорга биринчи келиши эди. Дўсти амалга оширган ишларни кўриб, жуда хурсанд бўлди.

Икковлон ҳосили кўплигидан ерга эгилган дарахатлар оралаб узоқ кездилар. Абдураҳим боғнинг яратилиш тарихини сўзлаб берди.

Шу тариқа куннинг кеч бўлганини ҳам сезмай қолишди. Абдураҳим боғбон дўстини машинасида уйигача элтиб қўйди. Хайрлашишар экан, машина юкдонини очиб, толхивич саватда олма, шафтолиларни олиб, дўстига узатди.

— Бу невараларинг учун!

Шариф ака ҳай-ҳайлашига қарамай, кекса боғбон улкан саватни ўзи дарвозахонага олиб кириб қўйди ва шундай деди:

— Энди дўстим, манзилим сенга аниқ. Онда-сонда йўқлаб турсанг, хурсанд бўлардим.

— Албатта, шундай қиламан, — деди Шариф ака бугунги кун, бугунги байрам кўнгилдагидек ўтганидан хурсанд бўлиб...

* * *

... Байрам оқшоми эди. Ботаётган Қуёш нурлари уфқни қирмизи рангга бўяди. Қуёшнинг сўниб бораётган нурларидан кўз узолмаётган отанинг юраги ҳаприқиб кетди. Болалигида у байрамнинг қандайдир улуғвор бир рангда эканини ҳис этардию, бу қанақа ранглигини билмасди. Мана энди, етук ёшида, умри шомида у байрам қирмизи — Қуёш рангида эканини юрак-юракдан ҳис этди...

Қуёш рангидаги байрам – Байрам рангидаги қуёш — ғоят гўзал эди...

МОҲИР РЕЖИССЁР

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Носир Отабоев салкам ярим асрдирки, режиссёр деган номни оқлаб келмоқда. Унга санъаткорлик ҳасаб эмас, насаб, яъни туғма истеъдоддир: унинг тоғаси Сулаймон Қосимов "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонига сазовор бўлган санъаткор эди.

Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари бошларида Марғилон шаҳрида илк бор тузилган ҳаваскорлик театр труппасининг фаол ва жонкуяр иштирокчиси ҳамда асосчиларидан бири Сулаймон ака жияни Носиржоннинг биринчи устози бўлган. Жиянидаги театр санъатига бўлган иштиёқни илғаб, унга болалигиданоқ сабоқ бера бошлаган, дастлаб шеър ёдлашни машқ қилдирган, кейин монолог ўқишни ўргатган, турли ролларни ёд олдирган. Марғилонда юзага келган театр труппаси асосида ташкил топган Фарғона вилоят театрида кўп йиллар бош режиссёрлик қилган бу санъаткорнинг Носиржоннинг Носир Отабоев бўлиб танилишида устозлик ўрни бор.

Носиржоннинг ҳаёт ва ижод йўлини бирмунча биламан, десам муболаға бўлмайди. Бизлар деярли тенгдошмиз.

Аждодлари асли марғилонлик бўлган Н.Отабоев Фарғона шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Отаси ирригатор Аминжон ака Катта Фарғона каналининг бош миробларидан бири эди. Ўрта мактабни тугатибоқ Фарғона вилояти мусиқали драма ва комедия театрига актёр бўлиб ишга кирган Носиржон бир йил ўтгач, режиссёр ёрдамчиси бўлди. Унинг илк спектакли, яъни диплом иши Чингиз Айтматовнинг Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят драма театрида қўйилган "Сарвқомат дилбарим" асари эди. 1965 йили Тошкент театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)нинг режиссёрлик факультетини битириб, Ўзбек миллий академик драма театрига саҳналаштирувчи режиссёр лавозимига тайинланди.

Мазкур даргоҳдаги илк спектакли Фарҳод Мусажонов асари асосидаги "Оқ кабутар" комедиясидир. Бу театрда турли йилларда "Вероналик икки йигит" (Уильям Шекспир асари, Уйғун таржимаси), "Бўрон қуши" (бошқирд драматурги Ризо Ишмуҳамедов асари), "Мирзо Улуғбек" (Мақсуд Шайхзода асари), "Истанбул фожиаси" (Эркин Воҳидов асари) ва "Ёрқиной" (Чўлпон асари) спектакларини саҳналаштирди.

Носиржоннинг шахсий архивида сақланиб келаётган, "Оқ кабутар"га чиқарилган бир дастурга шундай сўзлар битилган: "Носиржон! Сизни саҳнадаги биринчи постановкангиз билан табриклайман, янги-янги ижодий муваффақиятлар тилайман. Тошҳўжа Хўжаев".

Тошҳўжа Хўжаев Маннон Уйғур, Етим Бобожонов асос солган ўзбек режиссёрлик мактабининг давомчиси эди. Носир Отабоевни Тўла аканинг (санъат аҳли Т.Хўжаевни шундай атарди) шогирдларидан бири, десак янглишмаймиз. Шу тариқа у театр санъатининг катта йўлига тушиб олди. Бу жамоада у Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов каби санъатимиз дарғалари тарбиясини кўрди, улардан санъат сирларини ўрганди.

Носир Отабоев 1969 йили Фарғона вилояти мусиқали драма ва комедия театрига бош режиссёр этиб тайинланди. Бундан ўн йиллар аввал ижодий фаолиятини шу театрда актёр ва режиссёр сифатида бошлаган эмасми, жамоага тез киришиб кетди. Бу жамоа билан театрда "Нурхон" (Комил Яшин асари), "Бахтиёр гадолар" (Карло Гоцци асари, Италия), "Сўнмас чироқлар" (Мирзо Иброҳимов асари, Озарбойжон), "Интилганга толе ёр" (Максим Каримов асари), "Бу замон ўғлони", "Бир ўликка – бир тирик" (Абдуқаҳҳор Иброҳимов асарлари), "Инсонликка номзод" (Ўлмас Умарбеков асари), "Қандала" ("Клоп", Владимир Маяковский асари), "Олифта" (Фарҳод Мусажонов асари) каби ўттиздан ортиқ спектакллар саҳналаштирди. Бу асарларга марказий ва вилоят матбуотида етук театршуносларнинг тақриз ва мақолалари чоп этилган. Бундай муносабат режиссёр ва бутун ижодий

Икки оғиз дил сўзи

жамоанинг ютуқларни мустаҳкамлашида, камчиликларни тузатишида муҳим омил бўлди.

Ишга чанқоқ режиссёр Фарғона театрида ишлаб турганида Андижон, Наманган, Термиз, Урганч ва бошқа театрлардаги ҳамкасблари билан доимий алоқада бўлди, янги спектакларига уларни таклиф этди, ўзи ҳам бошқа вилоятларга ижодий сафарлар қилди. Н.Отабоев саҳналаштирган пиесаларнинг муаллифлари бутун умрини, борлиғини адабиёт ва санъатга бахшида этган профессионал ижодкорлардир. Айнан шу нарса унинг муваффақиятлари гарови бўлди. Ижодкор бутун фаолияти давомида драматургия — адабиётнинг гултожидир, деган олтин қоидага риоя қилиб келмоқда.

Маълумки, драматургияда неча минг йиллар давомида риоя қилиниб келаётган вақт, макон ва ҳаракат бирлиги деган талаблар бор. Прозада бундай талаблар шарт эмас. Мумтоз пиесаларда ана шу талаблар ифодаланганини кўрамиз. Драматургияда ҳикоя қилиш, баён этиш, яъни "гап сотиш" мумкин эмас. Спектакл – намойиш санъати. Устоз театршунос, профессор Муҳсин Қодиров ёзганидек, "Носир Отабоев қандай асарни қўймасин, ким билан ишламасин, биринчи галда муаллиф фикрини, ғоявий концепциясини ифода қилишни мақсад қилади. Фикр ва ғояни асосий ҳал этувчи компонент – актёр санъати орқали беришни истайди". Пиесаларимдан бир нечтаси шу режиссёр томонидан саҳналаштирилгани сабаб ўзим ҳам бунинг гувоҳи бўлганман.

Носир Отабоевнинг Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида 1985 йили "Зўлдир" мусиқали сатирик комедиясини саҳналаштириши унинг ижодида муҳим воқеа бўлди. Пойтахт маданий жамоатчилиги унинг етук режиссёр бўлиб шаклланганини мамнуният билан эътироф этди. 1986 йили эса янги ташкил қилинган Сатира театрига бош режиссёр этиб тайинланди. Бу театрда Абдулла Қаҳҳорнинг "Тобутдан товуш", Саид Аҳмаднинг "Гап эгасини топади", Фарҳод Мусажоновнинг "Сабил қолди", Шароф Бошбековнинг "Темир хотин" комедияларини муваффақиятли саҳналаштирди. 1988 йили Муқимий театрига бош режиссёр бўлиб ўтди. Бу ердаги фаолияти ҳам самарали бўлди. Фаолияти давомида олтмишдан ортиқ спектакл саҳналаштирган бўлса, шундан 35 таси мусиқали асарлардир.

Суратда: Халқаро Анжуманлар саройида ўтган концерт дастурида. Носир Отабоев ва Муножат Йўлчиева.

Носир Отабоев – серқирра ижодкор. Бугунги кундаги фаолиятининг асосини катта тадбирларга бадиий раҳбар, сценарий муаллифи ва бош режиссёрлик ташкил қилади: Мустақиллик куни, "Наврўз" байрами томошалари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўқитувчи ва мураббийлар, Халқаро хотин-қизлар, Ватан ҳимоячилари кунларига бағишланган тадбирларнинг тантаналари; тарихий шаҳарлар ва буюк алломаларнинг театрлаштирилган юбилей томошалари; "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт байрамлари; "Олтин қалам" миллий мукофоти халқаро танловлари ва фестиваллар, машҳур адиблар ва таниқли санъаткорларнинг ижодий ҳамда хотира кечалари каби бундай тадбирлар сони 200 дан ортади.

Эндиликда Носир Отабоев ижодий камолотга эришиб, унинг фаолияти сарҳисоб қилинадиган ёшга етди. Бир мақолада унинг ижодини қамраб бўлмайди, албатта. Ўйлаймизки, бу санъаткор фаолияти театршуносларимиз учун катта тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилади.



Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
профессор

ТИЛСИМЛАНГАН БОҒНИНГ РАНГИН МАВЖЛАРИ

Жамол Усмонов билан ҳар гал кўришганимизда, болаликдаги бир манзара ёдимга тушади. Авжи баҳор, гуллаётган дарахтлар, сайроқи қушларга тўла боғ, ана шу боғнинг кичик, аммо нақшинкор эшиги. Эшик олдида гўё боққа зўравонлик билан кирмоқчи бўлган одамни қўймай, юзлари зўриқишдан тиришиб кетган бир ўсмир бола турибди. Кўзларида "Сен бу боққа кирмайсан", деган маъно бор. Бу манзара олис ўтмишда қолиб кетган бўлса-да, Жамол Усмонов ўша ўсмир болани эслатади. Нафақат ташқи қиёфаси, балки феъл-атвори ҳам ўхшашдек. Жамол табиатан камгап, камсуқум, аммо юз-кўзидан жиндак тажанглиги, ўзига, сўзига маҳкам ўжарлиги сезилиб туради. Гўё у томошабинига ўша боладек "Менинг боғимга зўравонлик билан кира олмайсан, қалбинг тоза бўлиши керак", деяётгандек. Хўш, Жамол Усмонов яратган бу боғ қандай боғ ўзи? Нега унга ҳамманинг ҳам кира олиши, томоша қилиши, ундаги "мевалар"ни татиб кўриши мушкул?

"Жамол Усмонов бизга кўринмас бўлиб қолаётган сирли борлиқни илғай билиш иқтидорига эга. Реалликни шартли акс эттираётган бу асарлар ортида чуқур маъно борлигини, биринчи навбатда, шу йўналишда фаолият юритаётган рассомлар осон тушунади," — дейди санъатшунос Тигран Мкртичев.

Бизга кўринмас ўзга борлиқ деганлари нима ўзи? Албатта, бу биз биладиган дунёдан ташқари мавжуд, аммо кўзга кўринмас параллел оламни англатади, аммо бадииятда бу — кўнгил боғи, қалб кўзи ва мавжлари, ҳаёт, борлиқ ҳамда воқеликнинг ижодкор туйғулари, руҳи, бешинчи сезгиси орқали англанишидир.

Сиртдан қараганда, Жамол асарларини баъзи рассомлар сингари жумбоқ, топишмоқ тарзида яратмайди ёки мураккаб рангтасвир архитектоникасини қўлламайди. Аммо унинг рангтасвири тилсимланган, унинг бағридаги ҳар бир унсур томошабин қалбида маълум бир англаш тизими ишга тушгач, жонлана бошлайди.

Бундай асарларни тушунишда рассом картиналарининг ўзи ёрдамга келади. "Мушоҳада водийси", "Англашнинг икки услуби", "Идрок водийси", "Ёлғизлик водийси", "Маърифат водийси" каби картиналари ва инсталляцияларининг номиёқ бунга гувоҳлик бериб турибди. Демак, Жамол яратган боғнинг турган-битгани рамзлар, тимсоллар, ташбеҳлар оламидир. Рассом қурган бу бадиий маконни англаш учун кўнглимиздаги қулфни очмоғимиз лозим бўлади. Хўш, бу сир-синоатдан мақсад нима, олам, борлиқ борича тасвир этилса бўлмайдими, уларни қийналмайгина, енгил томоша қилса бўлмас эканми, дегувчилар ҳам ҳақ, албатта. "Онангни отангга бепардоз кўрсатма", деган нақл аслида эстетикага, бадиятга нисбат бериб айтилган эмасмикан? Абдулла Қаҳҳор айтганидек, мантини ейишдан мақсад гўшт ейиш бўлса, уни хамирсиз еса ҳам бўлаверарди. Аммо қалб дунёсининг эҳтиёжи бўлакча. Унга ҳамиша шаклу шамойили янгича, мазмуни ранго-ранг бадиият керак. Бу эҳтиёж унга руҳий оламни, ўзликни англашга ёрдам беради.

Жамол Усмонов ана шундай бадиият яратиш устида ишлар экан, унинг калитини Шарқ мероси, қадриятлари, анъаналаридан излади. Айниқса, Имом Газзолий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Саъдий, Машраб каби буюк шоирлар шеъриятини англашга интилди. Унингча, сирли-синоатли маконни яратиш учун латиф шаклларни камтарона чизгилар, шаффоф, нозик ранглар мос тушади. Буни у Шарқ миниатюра рассомлари ишлаган ўрта аср китоб тасвирларидан англаб етди. Аммо улар ишлаган кичик ҳажмли суратлардаги бундай жилваларни бугун дастгоҳли рангтасвирда яратиш осонми, бу тарзда ишланса, шартли чизиқлар ва ранглар сочилиб, улар яратган нафислик дағаллашиб қолмайдими, деган хавотир ҳам йўқ эмасди. Шунинг учун ҳам буларнинг барчаси янгича талқинда, дастгоҳли рангтасвир имкониятларидан келиб чиқиб, мустаҳкам бир композиция кўзгусида тараннум этилмоғи жоиз эди. Жамол қалб манзараларини тадқиқ этар экан, уларнинг турли-туман руҳий иқлимларини шеърият тилсимлари орқали кашф эта бошлади.

Рассом ҳаётни, борлиқни, Яратганни, "ўн саккиз минг олам"ни англаш ўзини, ўзликни англаш эканини яхши билади. Уни шу йўлдаги муаммолару чигалликлар ечимидан излайди. Ўзини кўп вақтдан бери қизиқтириб келган бу ғояларни янгича шаклларда кўриш рассом орзуси, ниятидир. Қачонки сен ўзинг танлаган мавзунинг сир-синоатига калит топа билсанг, ундаги яширин оламни англасанг, унга нисбатан ўз муносабатинг пайдо бўлса, бу чинакам қалб лаззати, руҳ эркинлигидир. Жамол ўз асарларига худди мана шу тарзда ёндашгани унинг инсталляция ёки лойиҳа тарзидаги "Руҳ ва хаёл", "Баҳор", "Ёз", "Хазонрезги", "Семург", "Руҳнинг қайтиши", "Дорилфано", "Қушлар тили", "Аптека", "Қалб исёни", "Сароб", "Чанқоқ", "Каромат", "Шахматлар", "Пилланинг ўғирланиши", "Оқ ва қора", "Кино", "Шаҳар" туркумларида, рангтасвир йўналишидаги "Акслар", "Тушлар", "Капалакли натюрморт" каби асарларида яққол сезилди. Уларга топилган калит ўзига хос рамзийлик, миллий санъат тарзида намоён бўлди.



Ж.Усмонов. "Туш".

Ўзига хос рамзий ифода нима, миллий рассомлик-чи? Ўзига хос рамзий ифода эта оладиган рассом миллийликдан йироқ ҳам бўлиши мумкин, аммо миллий рассом бўлган ижодкор ўзига хослик хусусияти билан белгиланади. Жамол ижоди, шубҳасиз, иккинчи тоифага мансуб. Унинг ижодида миллийлик том маънода қон-қонига сингиб кетган, ўзбек анъаналаридан ташқари, миллий тафаккур ва Шарқ фалсафасини англаш, уни Ғарб дунёсига таққослаб кўриш асосида намоён бўлади. Бу гапнинг мавҳум тушунча эмаслигини англаш учун рассомнинг "Акс" деб номланган туркум асарларини кўздан кечириш кифоя. Уларда тасвир этилган жаннат боғлари, ўсимликлар, қушлар Шарқ шеърияти гулшанидан кўчиб ўтган рамзий ташбеҳлардир. "Акс" туркумида мантиқ ечимини топиш учун тасвирларда таққослаш усулларига алоҳида урғу берилган. Йил фасллари тасвирлари рассом ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Жамол гўё бу ўзгаришларни осмону "Ошиқ дарвиш"даги манзарадан олган таассурот туфайли қалбингизга мусаффо бир ҳаво инаётганини ҳис қилиб турасиз. "Медитация" асарида хаёлга чўмган инсоннинг ўзлигини, борлиқни унутган ҳолда Ҳақнинг висолига етишиш учун заҳмат чекаётган ҳолатини кўрамиз. "Қушларнинг қайтиши" асарида эса тасвир этилаётган замин ва борлиқ, макон ва тимсоллар майин рангларга, нурга йўғрилган. Қушларнинг оппоқ ранглари кишни эътиборини тортади.

Рассомнинг оламда бўлаётган глобал ўзгаришларга бефарқ эмаслиги, ҳаётий муаммоларга муносабати "Аптека", "Кино", "Билишнинг икки усули", "Пилланинг ўғирланиши", "Шаҳар" каби асарларида намоён бўлади. "Кино" асарида замондошларнинг бугунги ҳолатини уларнинг қиёфаларидаги ҳорғинлик, ўйчанлик, саросималик каби ифодалар орқали тасвирлайди. Айниқса, "Эзгулик ва ёвузлик" лойиҳасида бу муаммо янада бўртиб кўринади. Унда ойдин йўл ва қора зулмат томон бошловчи иккинчи йўл тасвирини кўрамиз. Майдонда ер узра ўрмалаб кетаётган каламуш эътиборни тортади. У манзил бўйлаб кўпайиб боради. Улар узоқдан қаралса, одам шаклига киради. Демак, бу оламни кемираётган инсоннинг ўзи, оламни асраш ёки ғорат қилиш учун унга икки йўл борлиги аён бўлади. "Туғилган уй" асари орқали рассом томошабинни катта муаммолар ичига олиб киради, ўйлашга ундайди. "Қалб талвасаси" лойиҳаси инсоннинг дунёга мутлақ ҳокимлиги пучлиги, у ҳам мана шу борлиқнинг бир унсури эканини таъкидловчи асар сифатида қадрлидир.

Бундан бир неча йил аввал Бадиий академия кўргазмалар залида рассомнинг "Кўзи ожизлар ва фил" деб аталган инсталляцияси намойиш этилган. Асар филни билиш орзусида Ҳиндистонга борган кўри ожизлар ҳақидаги ривоятни эсга туширади. Унда айтилишича, ҳар бир кўзи ожиз киши филни ўзича ўрганади: кимдир унинг думини, бошқа-

Рассом ва замон

си хартумини, учинчиси оёғини, тўртинчиси эса танасини пайпаслаб ушлайди. Улар ўз юртига борганида, фил мана шундай бўлади деб, нимани ушлаган бўлса, шуни айтади. Бу олам, борлиқ, абадият, ибтидо ва интиҳо ҳақида инсоннинг билишлари ҳам мана шундай чала тасаввур эканини мазкур инсталляция орқали ҳис қиламиз. Рассом бу ривоятни тасвирга кўчириш учун милтиллаган чироқ ёруғида кўриниб турган кичиккина қоронғи хона ҳосил қилди. Бу ерда кўзи ожизларнинг танаси ажабтовур бир шаклларда кўринади. Уларнинг ҳар бирида кўрқув, ҳаяжон, ҳайрат ҳисси сезилади. Бу лойиҳа асосини Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асаридаги бир лавҳа ташкил этган. Тўғрироғи, қушлар "Маърифат водийси"да эшитган афсона тасвири.

Рассом асарларида миллийликни таъминлаб берадиган яна бошқа бир омил борки, буни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу унинг ўзбек адабиётини ўқиб бориши, унинг қудратли, теран илдизларини ўрганиб, ўз бадиий маконини яратишда унумли фойдалишидир. Бу йўлда Жамолнинг собит қадамлар ташлаб бораётгани замондош рассомларимиз учун ибрат намунаси. Балки шунинг учун ҳам Жамолнинг ижоди халқаро кўргазмалару танловларда, юксак мақомли хориж музейларию галереяларида намойиш этилаётгандир, шунинг учун ҳам турли совринлару унвонларга сазовор бўлаётгандир.

Рассом ўзбек тасвирий санъатида янги фалсафий-бадиий тамойилларни акс эттираётгани, кўп қиррали йўналиш ва услубларда изланаётгани учун шу йил "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" унвонига сазовор бўлди. 2006 йилдан буён республика Рассомлик коллежида талабаларга сабоқ бериб келади. Икуо Хирояма халқаро карвонсаройида яқинда "Устоз ва шогирдлар" номли кўргазмаси унинг устоз-мураббий сифатидаги истеъдодини намойиш этди.

Жамол Усмоновнинг бетакрор ижод намуналари пойтахтимиздаги Санъат музейидан, Бадиий кўргазмалар дирекцияси фондидан, АҚШ, Англия, Германия, Голландия, Франция, Швейцария каби мамлакатлар музейлари ва шахсий коллекцияларидан ўрин олган, кўплаб халқаро кўргазмаларда эътироф этилган. Буларнинг бари ўзбек рассомининг миллий санъатимизни юксак поғоналарга кўтариш йўлида изланаётганидан гувоҳлик бериб турибди.

Нодир НОРМАТОВ

ЗАРИПОВЛАР ШАРАФИ

Тадбир

Цирк саҳнасида от устида "Шамчироқ", "Отнинг қорнида", "Жарлик" каби номерларни маҳорат билан ижро этаётган қизларни кўриб, томошага келганлар оёққа турди. Ердаги дуррачаларни от устида чаққонлик билан илиб олган эстрада-цирк коллежининг ўқувчи-қизларидан бири байроқни ҳилпиратиб саҳнани тарк этаётганида томошабинлар олқиши узоқ вақтгача тинмади. Полвонкелбат йигитларнинг тошларни осонликча кўтариб, елкаси узра ошириб отганларини кўрган иштирокчиларнинг қалбида "Ўғлинг бўлса, ана шундай келбатли, кучли бўлса", деган ҳавас пайдо бўлгани ҳам рост. Айниқса, эгасининг ҳар бир имо-ишорасини сўзсиз тушуниб, турли ҳаракатлар кўрсатаётган ҳайвонлар болажонларда ҳайвонот оламига яна бир карра меҳр-муҳаббат уйғотгани ҳам бор гап.

Ўзбек цирк санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Карим Зариповнинг 120 йиллигига бағишлаб пойтахтимиз циркида ўтказилган хотира кечасида цирк санъаткорлари ижро этган бетакрор чиқишлар ёш эстрада хонандалари, «Ниҳол» мукофоти совриндорларининг табриклари томошабинлар қалбида анча пайтгача муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Карим Зарипов нафақат Ўзбекистон, балки, жаҳон цирк санъати ривожига ҳисса қўшган уста санъаткорлардан бири ҳисобланади. Айниқса, чавандозлик санъати жаҳон цирк аренасида ўзбек санъаткори Карим Зарипов маҳорати туфайли юксала борди. Моҳир чавандоз от устида тасаввурга сиғмайдиган машқларни бажариб, Хитой цирк санъати усталарини ҳам лол қолдирган.

Мана бугун устоз санъаткорнинг авлоди нафақат юртимизда, балки жаҳон цирк ареналарида ҳам ўзбек цирки шаънини баланд кўтармоқда. Карим аканинг фарзанди Ҳаким ака Зарипов 90 ёшни қоралаган бўлса-да, ҳамон цирк манежида чавандозлик маҳоратини намойиш этиб келмоқда. Набиралари бугун дунёнинг энг машҳур циркларидан бири — "Surk de Solay"да томошабинларни лол қолдирмоқда. Ҳаким аканинг невараси, кичкина Карима «пластик этюд», яъни "бесуяк" ўйини билан жаҳондаги энг кўҳна циркларидан бири — Париждаги Буглион циркида ўтказилган ёш циркчиларнинг анъанавий халқаро фестивалида олий мукофот — олтин медалга сазовор бўлди. Ҳаво гимнасти Эркин Зарипов ҳавода кўрсатган муаллақ номерлари билан жаҳон ареналарини забт этиб келмоқда. Германия, АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Австрия, Франция каби йигирмадан ортиқ давлатларда бўлган Зариповлар сулоласи бугун ўзбек цирки мустақиллик даврида эришган ижодий ютуқларни жаҳон узра намойиш этишмоқда.

— Хотира кечасини ўтказишдан мақсадимиз, яна бир бор бобомиз, ўзбек цирки асосчиси Карим Зариповнинг номларини ёд олиш ҳамда ўзбек цирки истиқлол даврида эришган ютуқларни намойиш этишдир, — деди сулола давомчиларидан бири, пойтахтимиздаги эстрада-цирк коллежи раҳбари Карима Зарипова. — Бугунги кеча иштирокчиларининг аксарияти коллежимиз ўқувчилари. Улар бугун чавандозлик, полвонлик, кўзбойлоғичлик, ҳаво гимнастикаси каби номерларни аъло даражада бажаришди. Ана шундай чаққон шогирдларимизнинг жаҳон цирк ареналарида кўрсатаётган томошалари, қўлга киритаётган ютуқлари фақат Зариповлар сулоласининг эмас, миллий циркимизнинг фахридир.

Дарҳақиқат, ўзбек цирк санъати асосчиси Карим Зариповнинг фарзандлари, невараси чеваралари бугунги кунда бобокалонларининг муносиб ворислари эканини намойиш қилишмоқда. Ўз санъати билан жаҳонни лол қолдираётган бундай санъаткорларнинг мўъжизакор маҳорати асрлар давомида халқимизга шодлик улашаверсин.

Ситорабону ҲОТАМОВА

"ҚАБОҲАТ ТЎРИ"

Инсоният XXI асрга ёруғ ниятлар билан қадам қўяр экан, йигирманчи асрни қамраб олган кўплаб иллатлар янги асрга ўтмайди, деб умид қилганди. Таассуфки, бундай бўлмади. Уруш ҳаракатлари, ирқий ва диний талотўплар, ер ости ва ер усти бойликларига эгалик қилиш мақсадидаги ҳудудий можаролар, иқтисодий, маънавий таҳдидлар, "оммавий маданият" ниқобидаги бузғунчилик ҳаракатлари бугун ҳам давом этмоқда.

Таниқли публицист Аҳмаджон Мелибоевнинг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан яқинда чоп қилинган "Қабоҳат тўри" номли китобида бутун дунёда кечаётган мураккаб жараёнларнинг моҳиятини англаш, ошкора-пинҳона хавф-хатарлардан огоҳ бўлиш, мустақилликни аасраш, тинч-тотувликнинг қадрига етиш ҳақида фикр юритилади. "Эҳтиёт бўлинг, қабоҳат тўри", "Хавфли бепарволик", "Маънавий таназзул", "Миллиардернинг афсуси самимийми?" каби мақолаларда интернетга меъёридан ортиқ даражада рўжу қўйишнинг салбий оқибатлари, жамият ва оила, ахлоқий масалаларда маънавий тарбиянинг халоскор куч сифатидаги ўрни, жаҳон медиа бозоридаги ўйинлар хусусида мушоҳада юритилади.

"Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувликка қилинган кўплаб хуружлардан равшан кўринадики, ёвуз ниятли кишилар, энг аввало, ёшлар онгини нишонга олади... Бундай ҳолатда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, фақат маънавият, фақат эзгу тарбиясигина халоскор, енгилмас куч сифатида майдонга чиқиши мумкин", деб ёзади муаллиф "Маънавий таназзул" сарлавҳали мақоласида.

Китобдан ўрин олган "Ислом ва Ғарб", "Дунё келинчаги", "Фикр — нур калити" каби мақолалар ҳам китобхон дунёқараши ва тафаккур оламини кенгайтиради, деб ўйлаймиз.

Китобга Илҳом Зоиров муҳаррирлик қилган.

«ЎзАС» галереяси

"ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ"

2013 йил, 3-сон

Журналнинг ушбу сонидаги илк мақолалар мустақилликнинг 22 йиллигига бағишланган. "Истиқлол — абадий, истиқлол шукуҳи — бебаҳо" сарлавҳали мақолада мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримиз ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат, мурувват кўрсатиш, бағрикенглик каби инсоний фазилатларнинг истиқлол туфайли қайта тикланиб, ривож топаётганлиги ҳақида фикр юритилади.

Журналларни варақлаганда

Шунингдек "Миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органларининг ҳамкорлиги", "Бошқарувни демократлаштиришда раҳбар компетентлигининг ўрни" каби мақолаларда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг бошқарув жараёнларини янада демократлаштиришда самарадорликка эришишнинг муҳим мезони экани қайд этилади.

Тошкент Ислом университети катта илмий ходими Дилафруз Каримова "Болаларни зарарли оқибатлардан ҳимоялашнинг қонуний асослари" мақоласида: "Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган баъзи ахборотлар бевосита болаларни менталитетимизга хос бўлмаган ёт одатларга чорламоқда", деб ёзади. Ушбу мақолада ёшлар тарбиясини бузишга қаратилган хатти-ҳаракатлар учун қабул қилинган қонуний ҳужжатларда жазога тортилиш белгилаб қўйилгани таъкидланади. Муаллиф бир қанча кодексларни шарҳларкан, "Асосий эътиборни ёшларимизда ўзига хос "мафкуравий иммунитет"ни шакллантиришга қаратиш ҳамда таълим муассасаларида ота-оналар ва болалар ўртасида зарарли ахборотлар, унинг салбий оқибатлари, ундан ҳимояланиш усуллари тўғрисидаги мунтазам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш зарур", дейди.

"Хориж тажрибаси" рукнида франциялик ҳуқуқшунослар Диде Мос ҳамда Натали Гуленинг конституция ҳамда парламент назоратига бағишланган мақолаларини хориж ҳуқуқига оид қимматли маълумотларга эга бўлишингиз мумкин. Бундан ташқари, журнал саҳифаларида халқаро ҳуқуқ, анжуманлар, тадбирлар, тадқиқотлар ҳақида мукаммал ахборотлар берилган.

Доимий ҳамроҳ

"УМИД ГАВҲАРИ"

Ватан — инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас тупроқ. Бу гўшанинг бир сиқим тупроғи ҳам чин фарзанд учун умрбод ифтихор туйғуларини жўштиради. Оқибатли инсонлар ижодкор учун абадий мавзу манбаидир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти ёш шоир Умидхон Ҳошимовнинг "Умид гавҳари" номли тўпламини босмадан чиқарди. Мазкур китобга жамланган ҳар бир шеър мустақиллик фарзандининг Ватанга бўлган муҳаббати ва эҳтироми рамзидир.

Тўпламга шоир Туроб Мақсуд сўзбоши ёзган.

Китобнинг иккинчи бўлимида "Ҳонақоҳ" номли Ватан мавзусидаги туркум эсселар ўрин олган. Уларда мустақилликнинг бебаҳо неъмат эканлиги ишонарли ҳаётий воқеалар орқали баён этилган.

Китобга шоир Шукур Қурбон муҳаррирлик қилган.

Дунё — кенг...

ЕР ВА "ЗУҲРО СИНДРОМИ"

Иқлим ўзгаришларига доир янги компютер модели олимларни таҳликага солиб қўйди. Улар келган энг сўнгги хулосага кўра, иқлимнинг глобал даражада исиши кутилмаган пайтда вазиятни бошқариб бўлмайдиган аҳволга олиб келиши мумкин экан.

Компютерда моделлаштириш муаллифларининг қатъий фикри шундай: агар одамзод нефт, кўмир ва табиий газ ёқишни тўхтатмаса, иқлимнинг глобал исиши сайёрани танг аҳволга солиб қўяркан: Ер бағридан қазиб олинаётган ёнилғиларни тинимсиз ёқиш Ерни Зуҳро сайёрасининг аҳволига юзма-юз қилади. Оқибатда уммонлар суви буғланиб, атмосфера ҳарорати бир неча юзлаб даража қизийди, ундаги ис гази нисбати 90 фоиздан ошади.

— Биз тез орада нефт, табиий газ ва кўмирнинг барча заҳираларини ёқиб бўламиз, — дейди янги тадқиқот муаллифи Жеймс Хансен. — Агар битумли қумлардан иборат сланц гази ва нефти заҳираларини ҳам ёқа бошласак, "Зуҳро синдроми" рўй бериши муқаррар.

Илгари агар ҳавода ис гази миқдори ошса атмосфера қизийди, бу эса, ўз навбатида, сайёрани фазога кўплаб энергия чиқаришга мажбур этади, шу тариқа Ернинг иссиқлик системаси мувозанатга келади, деб ҳисобланарди. Демак, бу ҳолда инсоният ўйланмаган технологик хатти-ҳаракати учун охир-оқибат жуда иссиқ иқлимга дучор бўларди. Бироқ суперкомпютерда амалга оширилган янги математик моделнинг ҳисоб-китоблари ташвишли хулосаларни бераётир. Маълум бўлишича, иссиқ иқлим таъсирида уммонлар сатҳидан муттасил кўтариладиган сув буғлари нафақат яна бир "парникли газ" ҳодисасини юзага келтиради, балки айни чоғда сайёранинг ортиқча иссиқлик қувватини фазога чиқариб юборишига тўсқинлик қиладиган ўзига хос "теплоизоляция" вазифасини ҳам ўтаркан.

Бинобарин, "ҳароратнинг кўтарилиши уммонлар буғланишига олиб келса, сув буғлари миқдорининг ошиши эса, ҳароратнинг янада кўтарилишига сабабчи бўлади. Оқибатда бу табиий жараён бошқариб бўлмайдиган ҳолатга келади. Бу ҳол қачон юз беришини олимлар аниқ айтиб беришолмайди", дейди Хансен. Ер атмосферасининг Зуҳро сайёраси атмосферасига ўхшаб қолишини иқлимшунос олим "Зуҳро синдроми", деб атаган. Агар бундай синдром юз берса, обиҳаётнинг барчаси фазога буғланиб чиқиб кетади ва сайёрани минераллар ҳамда агрессив кислоталар аралаш ис газидан иборат қайноқ ҳолдаги зич атмосфера ўраб олади.

Зуҳро сайёраси юзасида ҳарорат +464 С, босим эса 93 атмосферани ташкил этади. Зуҳронинг вазни Ерга нисбатан 20 фоиз енгил бўлишига қарамай, унинг атмосфераси Ердагидан 105 баробар кўп газни ўзида сақлай олади. Унинг қалинлиги 250 километрни ташкил этиб, олтингугурт кислотасига тўйинган булутлардан иборат.

ЕР ЯНА УЧ МИЛЛИАРД ЙИЛ ЯШАЙДИ

Буюкбританиядаги Шарқий Англия (Норвич) университети олимлари Ернинг доимий равишда Қуёшга яқинлашиб бориши ҳароратнинг кескин ошиши, барча уммонлар ва сув ҳавзаларининг қуриб қолиши, охир-оқибат ҳаётнинг барҳам топишига олиб келади, деб башорат қилишмоқда. Инсоният эса, ўзининг ўйланмаган фаолияти билан сайёра табиатига салбий таъсир кўрсатиб, оқибатда Ерни анча илгарироқ тарк этиши ҳам мумкин экан. Шу сабабли бошқа сайёрага кўчиб ўтиш инсоният учун ягона имконият бўлиши мумкин. Ҳозирча бунинг учун фақат Марс сайёрасигина ягона чора бўла олади.

— Бизнинг тахминимизча, Ер сайёрасида яна 1,75 — 3,25 млрд. йилдан сўнг одамлар яшаши учун зарур барча шарт-шароитлар тугаб битади, — дейди тадқиқот муаллифларидан бири, профессор Э.Рашби. — Шундан сўнг Ер Қуёшнинг "қайноқ ҳудуди"га айланади. Ҳарорат шу даражада кўтарилиб кетадики, денгизларда бир қатра ҳам сув қолмайди, буғланиб кетади. Бу эса барча турдаги мавжудотнинг барбод бўлишига олиб келади. Тўғри, одамлар ва бошқа жонзотларнинг яшаши учун мавжуд қулай шароитлар бунгача барҳам топа бошлайди. Инсониятнинг технологик фаолияти туфайли иқлим ўзгаришларига кўрсатиладиган таъсир бу жараённи янада тезлаштиради.

Астрономлар Қуёш системасидан ташқарида мингга яқин сайёрани кашф этишди. Астробиологлар улардан айримларидаги ҳаёт шароитларини ўрганишиб, "Глиза 581 d" деб номланган экзопланетада тириклик учун қулай шароитлар яна 54,7 млрд. йил давомида сақланиб туради, деган фикрга келишди. Бироқ олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, бизга нисбатан энг яқин бўлган, яшашга яроқли бу сайёра Ердан 10 ёруғлик йили олисда жойлашган экан.

Астрономия мезонларига кўра, бу бизга анча яқин сайёра, бироқ ҳозир Ердаги мавжуд технологияларни назарда тутсак, унга етиб олиш учун юз минглаб йиллар керак бўлади.

Интернет хабарларидан.

Кўнгил чизгилари

СИЙРАТ КЎЗГУСИ

* * *

Дунё яралиши учун ҳам Сўз керак бўлди!

Бўл! Бу, Холиқи мутлақ томонидан илк бор талаффуз этилиб, бутун Олам ичра янграган биринчи Калом! Сўз нақадар улуғ маънавий бойлик эканини жаҳонда жами нарсадан аввал яралгани ҳам кўрсатиб турибди.

* * *

Барчамиз ўшандан таомлансак-да, уни қора деб яқин юрма, қораси юқади, деб, тез-тез ёзғириб турамиз...

Бу, кибру ҳаволи эканлигимиз белгисимикан...

* * *

...Коинот "Бутун Олам Тортилиши Қонуни"га бўйсунгани боис мувозанатда туриб, бир маромда ҳаракатланиб келади. Бу Қонуният Инсониятга ҳам тааллуқли! Қайси жамиятда бўлмасин, одамлар бир-бирларини меҳр-оқибат деб аталмиш илоҳий куч билан тортиб турмасалар, мувозанат йўқолади парокандалик рўй беради.

* * *

Энг йирик инжу – жавоҳирлар денгизнинг чуқур жойларида бўлгани каби буюк кашфиётлар калитини ҳам фаннинг чуқур қатламларидан излайдилар!

* * *

Сиз билган, таниган одамлардан бири бошқа кимса билан бўлган муомалада ғирромлик қилди... Бу "ҳунари"ни менга ишлатмайди, деб ўйласангиз, чуқур хато қилган бўласиз.

* * *

Инсон учун берилган маънавий неъматлардан бири — кулги.

Одамларни юракдан кулдириб, қувонч, завқ улашиш санъаткордан туғма талант билан бирга жиддий тайёргарлик ва самимийликни талаб этадиган ўта масъулиятли юмуш. Бу масалада енгил — елпи иш тутиш оқибатини — одамларга кулги бўлиб қолиш дейдилар.

* * *

Бозордаги нарх-наво талабдан келиб чиқса-да, унинг жилови миришкор деҳқонлар ва диёнатли савдогарлар қўлида бўларкан.

* * *

Юрагингга жиз этиб тушган учқун бошқа юракларга ҳам туташиб кетишини хоҳласанг, уни шижоат билан ўзинг "пуф"ла!

* * *

Лоқайд фарзанд: "Ота-онам – тоғ, шундай туришаверади", деб ўйлаб бир умр армонда қолади.

* * *

Мутолаа – ажабтовур нозик жараёнки, завқ ва ихлос билан киришилмаса, ҳар қандай шаҳд соҳибини ҳам пинакка кетказиб қўяди.

* * *

Дунёга келмоқ, яшамоқ, тарк этиб кетмоқ – булар, инсон ҳаётида атиги бир маротаба содир бўлгувчи буюк ҳодисалардир! Уларда фақат биттасигина – бизнинг иймон-ихтиёримизда бўлганиданми, тангри уни чексиз имкониятлар майдонига айлантириб қўйибди.



Эй дўст! Токи шу майдонда экансан, жавлон ур, от сур!

* * *

Адабиёт – миллатнинг ички дунёсини акс эттирувчи кўзгудир!

* * *

Муғанний соз билан кўнгилни хушнуд этса, шоир сўз билан қалбларни ром этади!

* * *

Аниқ мақсадни кўзлаб сафарга чиққанлар сайёҳлар, бемақсад дайдиб юрувчилар эса саёқлардир.

* * *

Ёза олмайдилар, кўра олмайдилар...

* * *

Бошинг булутларга теккан бўлса ҳам, оёғинг ерда бўлсин, деганлар.

* * *

Бобом раҳматли ўта ориятли, эътиқодли инсон эди. Кексайиб, мункиллаб қолганида ҳам атрофида Алпомишдай-Алпомишдай ўғиллари бўлса-да, "Эй, Яратган Эгам! Кўриб турибсан, на отам ва на онам бор бошимни силагани. Агар бандам деган бўлсанг, Ўзингдан бошқага муҳтож қилдириб қўйма, деб илтижо қилар эди.

* * *

Тарафкашлар – майдакашлар бўлади, дегани ҳақ гап. Зотан, юксак талант соҳиблари адолат йўлида мустақим бўлганликлари боис, улуғ сиймолар даражасига эришдилар.

* * *

Адабиётшунослар бир пайтлар кўкларга кўтарган кўплаб асарлар шўро даврининг ўзи билан бирга кўмилиб кетди. Қўлимизда эса вақт саралаганларигина қолди.

Вақт — Олий ҳакам, деганлари шу бўлса керак-да!

Дурбек ҚЎЛДОШЕВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ДОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@mcs.uz
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУРСУНОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4334 Буюртма Г — 1044. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X